*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2008 йил 21 октябрь • сешанба • № 46-47 (606) • e-mail: inson_va_qonun@mail.ru • www.minjust.uz

• *Бугун — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун*

## Маънавият калити

**ЎЗБЕК ТИЛИГА давлат тили мақоми берилганига ҳам ўн тўққиз йил бўлди. Бу даврда она тилимиз халқ ўртасидаги оддий мулоқот воситасини бажаришдан тортиб, таълим-тарбиявий, илмий-маърифий, давлат ва ҳукумат ишларигача бўлган соҳаларда расмий тил сифатида фаол қўлланиб келинмоқда.**



ДАРҲАҚИҚАТ, 1989 йилнинг 19 октябрь куни бу ўта муҳим масала Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилгани ва 21 октябрь куни **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида"**ги Қонуни қабул қилингани Президентимиз эътирофича, ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши собиқ совет таркибида туриб халқимизнинг асрий орзуси ушалгани, мустақиллик ва маънавий комиллик сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Маълумки, она тилимизнинг сиёсат, хусусан, адабиёт, фалсафа, таълим-тарбия ва дин соҳаларида қўлланишининг мислсиз имкониятлари шеърият султони Навоий ҳазратлари томонидан XIV-XV асрлардаёқ исботлаб берилган. Бугунги кунда замонавий юқори электрон коммуникация технологиялари, фундаментал фанлар, банк-молия, тиббиёт, қонуншунослик, ҳуқуқшунослик, илмий-техникавий соҳаларда ҳам луғат, ҳам махсус атамалар яратиш, ҳар бир фан соҳаси бўйича матн яратиш услубининг шаклланиб бориши тилимизнинг паралингвистик имкониятлари нечоғлиқ катта эканлигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари она тилимиз ёзма шаклининг ифода воситаси бўлган алифбога алоҳида эътибор қаратади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз маънавий ҳаётидаги бошқа кўплаб муаммолар қатори тил ва алифбо масаласи ҳам биз учун кун тартибидаги долзарб вазифага айланди, деб мулоҳаза юритади Президентимиз.

8 →

**ДУНЁДА ТИЛЛАР кўп, аммо ҳар бир миллат учун ўз она тили азиз ва қадрли. Ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан биридир. XI асрда яшаган бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотут-турк" номли асари ана шундай буюк меросимиз дурдоналарини ўзида жамлаган илк муҳим манба саналади.**

## Миллий ғурур туйғуси

СЎЗ МУЛКИНИНГ султони — ҳазрат Алишер Навоий беқиёс ижоди билан тилимиз мавқеини беҳад юксакликка кўтарган эди. Буюк мутафаккирларимиз таъкидлаганидек, **"Тилимиз шундай бир хазинаки, дуру гавҳари (сўзлари) осмон ёритгичларидан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ".**

Тилнинг ривожланиши жамият ҳаёти, тараққиёти билан бевосита боғлиқ ва ундаги ўзгаришлар, албатта, тилда ҳам ўз аксини топади. Шу боис 1989 йилнинг 21 октябрь куни она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши — Мустақиллик сари қўйилган илк қадамлардан бири эди. Мана, 19 йилдирки, Ватанимизда миллий тилимиз чинакам ўз мақомида ардоқланиб, улуғланмоқда.



Миллий ўзига хослик бевосита миллатнинг тили, маданияти, тарихи, дунёқараши кабиларда намоён бўлади ва бу тушунчаларнинг уйғунлиги тарзида акс этади, шундай идрок қилинади. Ўзликни англашнинг муҳим жиҳати бу ўз она тилига бўлган эътибордир. Миллий ғурур туйғуси, аввало, тилини қадрлаган инсон қалбида баландроқ бўлади.

**Шоира ҚОДИРОВА,**
**Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси**

## Тил — миллат қиёфаси

**ТИЛ МИЛЛАТНИГ қиёфаси, халқнинг мустаҳкам тарихий илдизи, мустақиллигимиз рамзи, бебаҳо маънавий бойлигимиздир. Тил ёш авлод юрагида ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини жўш урдирувчи чексиз маънавий кучга эга.**

*Миллий қонунчилигимизда, Бош қомусимиз бўлган Конституциямизда она тилимизнинг юксак мақомга эгалиги, уни асраб-авайлаш ва ривожлантиришнинг қонуний асослари ёрқин акс этган.*

*Фарзандларимизнинг она тилимизга меҳр қўйиши, унинг куч-қудрати ва қадр-қимматини англашида мактабдаги илк сабоқнинг ва меҳри дарё устозларнинг ўрни беқиёс.*

*— Азалий миллий қадриятимиз бўлган Давлат тилимизни ўқувчиларга бошланғич синфданоқ пухта ўргатиш, уни ардоқлаш туйғусини уйғотиш ёш авлодни маънан баркамол қилиб тарбиялашга ҳам замин яратади, — дейди пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-лингвистик мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ҳулкар Алимбекова.*

*Суратда: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Ҳ. Алимбекова ўқувчилар билан ўзбек тили бўйича машғулот ўтказмоқда.*

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

• *Анжуман*

## Малакали ва одил судьялар

### чинакам ҳимоячи

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамкорлигида "Суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни амалиётга татбиқ этишда судьялар малакасини ошириш ҳамда судьяликка номзодларни қайта тайёрлашнинг аҳамияти" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.**

**Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя этиш, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.**



СУД ТИЗИМИНИ янада демократлаштириш борасида амалга оширилаётган муҳим ишлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини изчил таъминлаш, адвокатура ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имконини бермоқда.

Албатта, мазкур кенг қамровли ислоҳотларни амалиётга татбиқ этишда суд ходимларининг касбий-малакавий тайёргарлиги етакчи ўрин тутади.

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Юристлар малакасини ошириш марказининг профессор ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этишди.

Маърузачилар томонидан судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада мустаҳкамланганлиги ҳақида алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилишининг аҳамияти, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали, замонавий демократик принципларга асосланган тизимини янада такомиллаштириш масалаларига ҳамда суд ходимларининг малакасини ошириш ва судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги хусусида сўз юритилди.

Айни пайтда Юристлар малакасини ошириш марказида суд ходимларининг малакасини ошириш ва судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш ишларида, хусусан, ўқув дастурларини тузишда тингловчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олиш, ўқув натижалари бўйича сўровлар ўтказиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга имтиҳон ва синовларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлигидан малакали мутахассислар жалб қилиш, тажрибали амалиётчи ходимларнинг иштирокини таъминлаш, ўқув машғулотларида тингловчиларга замонавий ҳуқуқий билимлар билан биргаликда, касб этикаси ва маънавий билимларини мустаҳкамлашга оид маърузалар ҳам ўқитилаётганлиги ижобий самара бераётир.

4 →



# МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

**ҚОНЛИКЎЛ ТУМАНИДА яшовчи фуқаро З.Аўезмуратованинг газета таҳририятига йўллаган туман ҳокимлиги томонидан турар жой қуриш учун "Айдын жол" кўчаси 14-сонли ер участкасининг бошқа шахсга бериб юборилгани тўғрисидаги аризаси тегишли тартибда ўрганиб чиқилди.**

## Маъмурий чора кўрилди

АРИЗАДА кўрсатилган ер участкаси туман ҳокимининг 2004 йил 14 июлдаги 14907-сонли қарори асосида З.Аўезмуратованинг ўғли Б.Турдышевнинг номига ҳужжатлаштирилган.

Ер кодексининг 36-моддаси, 2-бўлимига мувофиқ, 2007 йил 15 августда туман ҳокими ушбу ер участкасини қайтариб олиш тўғрисида 11808-сонли қарор қабул қилган. Ушбу ер участкаси 2007 йил 25 декабрда М.Пирманқулов номига ҳужжатлаштирилган ва ўтган давр мобайнида иморат қуриб битказилган.

Б.Турдышевга ўз вақтида огоҳлантириш бермагани учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги хусусий ва ширкат уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи А.Ерназаровга нисбатан маъмурий чора кўрилди.

**В.РЕИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари**

## Иш юритувига ўтказилди

**ФУҚАРО РОЗИЯ ҚОСИМОВАнинг газетага ёзган шикоят аризаси фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судида ўрганиб чиқилди.**

РОЗИЯ ҚОСИМОВА жавобгар Мўмин Холбековга нисбатан сотиб олиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини ўтказиш тўғрисидаги даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг собиқ судьяси Н.Мўминов раислигида 2006 йил 11 октябрда кўриб чиқилиб, рад қилинган.

Розия Қосимованинг янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги аризаси фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси А.Мирмуҳаммедова раислигида 2008 йил 11 апрель куни қабул қилишдан рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг 2008 йил 28 август кунги ажримига асосан Самарқанд шаҳар судининг 2008 йил 11 апрелдаги ажрими бекор қилинган.

Фуқаролик иши мазмунан кўриб чиқиш учун фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси Г.Воҳидовнинг иш юритувига ўтказилган.

**Т.УСМАНОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси ўринбосари**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Халқ таълими вазирлиги фуқаро О.Магаскина томонидан газетага йўлланган хатни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.**

## Яқин мактабда ўқимоқда

Фуқаро О.Магаскинанинг фарзанди О.Магаскин Қуйичирчиқ туманидаги 17-мактабнинг 1-синфига турар жойининг узоқлиги (5 км.), боланинг мактабга қатнови ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мактабга бириктирилган ҳудудни назарда тутиб, қабул қилишга рад жавоби берилган.

Аммо фуқаро О.Магаскинанинг фарзанди О.Магаскин шу тумандаги, турар жойига яқин ҳудудда жойлашган 52-мактабнинг 1-синфига ўз вақтида қабул қилинган ва унга Президент совғаси берилган.

Фуқаро О.Магаскина фарзандининг 52-мактабда ўқитилаётганлиги юзасидан ҳеч қандай норозилиги ва муаммолари йўқлигини билдирди.

**Р.АҲЛИДДИНОВ,**
**Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари**

## Ундирувчига эслатилди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "Ўзагромашсервис" уюшмаси "Агротаъминот-BS" ОАЖ раиси Д.Саидазизовнинг суд қарори ижроси юзасидан мурожаати бўйича Суд департаменти қуйидагиларни маълум қилади.**

АНИҚЛАНИШИЧА, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан қарздор Сардоба тумани "Сардоба мақсад сари" фермер хўжалигидан ундирувчи "Агротаъминот-BS" ОАЖ фойдасига жами 32,6 миллион сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Сардоба тумани бўлими иш юритувига 2007 йил 29 октябрда келиб тушган ва шу куннинг ўзида ижро иши юритуви қўзғатилиб, ҳисоб рақамига банд солинган.

Қарздорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, суд ижрочиси томонидан 2008 йил 30 апрелда олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли ВТТ 150 Д русумли техника воситаси хатланиб, тегишли тартибда далолатнома асосида расмийлаштирилган.

Мазкур техника воситаси баҳоловчи ташкилот томонидан жами 32,2 миллион сўмга баҳоланиб, реализация қилиш учун тўпланган ҳужжатлар суд ижрочиси томонидан 2008 йил 8 май куни Республика кўчмас мулк биржаси Сирдарё вилояти филиалига топширилган.

Ушбу мулклар икки ойлик муддат ичида биржа савдоларида сотилмаганлиги сабабли 2008 йил 24 июлда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 56-моддасига асосан ундирувчига қарз эвазига қабул қилиб олиш таклиф қилинган бўлса-да, ўрганиш кунига қадар бу ҳақда бирор-бир маълумот берилмаган.

Шу сабабли, суд ижрочиси томонидан 2008 йил 15 сентябрда такроран ундирувчига эслатма хати берилган.

**У.АБДУАЛИЕВ,**
**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари**

• *Трансмиллий жиноятчилик — инсониятга таҳдид*

# Одам савдоси – умумжаҳон миқёсидаги муаммо

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёл ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда**

**XXI АСРНИНГ ДАСТЛАБКИ йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди.**

**Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.**

**БУНИНГ НАТИЖАСИДА** мамлакатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди.

Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир.

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш, хавотир уйғотмоқда.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда, бу мудҳиш иллат ноқонуний қурол савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

**БИРИНЧИДАН**, ҳамма одамлар ўз қадр-қимматии ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, ушбу қоида БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси эса инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказади, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабиҳ қилмишлар мужассамдир.

**ИККИНЧИДАН,** одам савдоси жиноятчилар учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 миллиард АҚШ долларидан ошмоқда. Афсус билан таъкидлаш керакки, дунёда "одам савдоси" бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Шу боис жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўлларини қидириш, мақсадини амалга оширишни енгиллаштириш учун халқаро жиноий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайида бўладилар. Бу эса, трансмиллий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

**УЧИНЧИДАН,** одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз "кирдикорлар"ини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар.

Бу ҳолат эса ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатишига, шунингдек, хорижга чиқиш ва муайян давлат ҳудудида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

**ТЎРТИНЧИДАН,** одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида, уларнинг шахсига оид ҳужжатларни (паспорт, миграция карточкаси ва ҳ.к) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қиладилар.

Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

**БЕШИНЧИДАН,** одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра латент характерга эга. Чунки, одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар.

Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Шу боис, дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги аҳволнинг ҳамон жиддийлигича қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилди, хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди, юртимиз фуқароларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун имконият ва етарли шарт-шароитлар яратилди.

Афсуски, айрим шахслар бундай шарт-шароит ва имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни турли алдов ва фирибгарлик билан хорижга олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида юртимиз фуқаролари ҳам одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойида республикамизда 1449 нафар шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 1283 нафарини эркаклар, 166 нафарини аёллар, 28 нафарини вояга етмаганлар ташкил этган.

**ТАҲЛИЛЛАР**, мамлакатимиз фуқароларини фоҳишалик билан шуғуллантириш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса – Қозоғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Республикамизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида қандай ишлар амалга оширилган ва бу фаолиятни кучайтириш учун келгусидаги вазифаларимиз нималардан иборат?

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ** И.А.Каримов ташаббуси ва ғоялари асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар замирида, аввало, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, юртимиз аҳолисини ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатардан асраш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш каби улуғ мақсадлар мужассамдир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун биринчи навбатда унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

**Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда ўтган йиллар мобайнида республикамизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.**

**Аввало, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг яширин трафигига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.**

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада норматив-ҳуқуқий база деярли мавжуд эмас эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 135-моддаси шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган эди. Ҳозирда Жиноят кодексининг ушбу моддаси янада такомиллаштирилди.

**ОДАМ САВДОСИ** билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган қилмиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бундай салбий кўринишларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1950 йилда қабул қилинган **"Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"**ги Конвенциясига қўшилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган **"Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"**ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчиликнинг (шу жумладан, одам савдоси) хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида 29 та шартнома ва келишувлар имзоланган.

Шу йилнинг 17 апрелида **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга тадбиқ этилди. Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишни самарали ташкил этиш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий режа тасдиқланиб, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилди.**

Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилди.

Жорий йилнинг 23 июль куни одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Ушбу йиғилишда комиссия фаолияти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳал қилиниб олинди. Хусусан, комиссиянинг иш режаси, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларнинг намунавий Низоми тасдиқланди.

Жойларда ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, уларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

**МИЛЛИЙ ДАСТУРГА** мувофиқ одам савдосига қарши курашиш борасида қонунчиликни такомиллаштириш ишлари изчил давом этмоқда.

Ҳозирда **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳ ва бу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

**Одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунтириш олиб бориш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, комиссия иш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Комиссия таркибига кирувчи барча вазирлик ва идоралар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, бу мавзуда давра суҳбатлари ўтказилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.**

Бугунги кунда ушбу мавзуга бағишланган давра суҳбатлари, конференциялар, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида фойдаланиш учун қулай бўлган ўқув, услубий қўлланмалар, буклетлар нашр этилиб тарқатилмоқда. Одам савдоси жиноятларининг хавфи ва оқибатларидан огоҳ этувчи, бундай иллатга қарши курашга чорловчи плакатлар, банерлар тайёрланиб, аҳоли гавжум жойларда, автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти бекатларида, чегара-ўтиш постларида ўрнатилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 19 август куни халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда **"Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатишнинг механизмларини такомиллаштириш масалалари"** мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда Республика Идоралараро комиссиясининг аъзолари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**БУНДАН ТАШҚАРИ, комиссия ташаббуси билан фуқароларнинг одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар, унинг олдини олиш чоралари ҳақидаги тегишли маълумотларни исталган вақтда олишларини таъминлаш мақсадида ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда Давлат божхона қўмитасида «ишонч телефонлари» ташкил қилинди.**

Қайд этиш лозимки, республикамизда бу борадаги криминоген вазият таҳлили, одам савдосига қарши курашиш, унга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш, оқибатларини мумкин қадар енгиллаштириш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Жорий йилнинг 9 ойида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси бўйича 436 та жиноят иши қўзғатилиб, 339 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди, уларнинг 203 нафарини эркаклар, 136 нафарини аёллар ташкил этган.

Масалан, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи М.Жўраева, З.Саидова жиноий шериклари билан тил бириктириб, бир неча гуруҳ қизларни алдаш йўли билан Қирғизистон Республикаси орқали Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига юборганлар. Мазкур шаҳарда уларни кутиб олган жиноий гуруҳ аъзоси бўлган "Шохиста" исмли шахс қизларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ўзларини эса бир йил давомида фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этган.

Ёки Тошкент шаҳрида яшовчи Р.Абдуллаев ва бошқалар фаолияти тугатилган "СНЕТ" шўъба корхонасининг муҳри ва ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ушбу корхонани "хорижда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи ташкилот" эканлигига одамларни ишонтириб, унинг "хизмат"идан фойдаланиш истагини билдирган 56 нафар фуқарони алдов йўли билан Қозоғистон Республикасига олиб чиқиб, номаълум шахсларга сотиб юборганлар. Оқибатда республикамиз фуқароларининг шахсий ҳужжатлари олиб қўйилиб, ўзлари номаълум шахслар томонидан Астана шаҳрида мажбурий тарзда ишлатилганлар.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳақида бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Бироқ, бу тоифадаги жиноятларга қўл урган шахсларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этганлиги жойларда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди идораларнинг бундай салбий ҳолатларга қарши ҳамкорликда, фаол иш олиб боришларини тақозо этади.

Одам савдоси каби жиноий фаолиятни амалга ошириш услубларининг таҳлили аксарият ҳолларда фуқароларни мажбурий меҳнат ёки фоҳишалик билан шуғуллантириш мақсадларида фойдаланиш учун республикамиз ҳудудидан яширин равишда олиб чиқиб кетилаётганлигини кўрсатмоқда. Фуқароларни айланма йўллар орқали ноқонуний равишда ёки чегара постлари орқали аввалига Қирғизистон, Қозоғистон Республикалари каби қўшни давлатларга, сўнгра қалбаки ҳужжатлар билан узоқ хориж мамлакатларига чиқариб юбориш жиноятчи унсурларнинг асосий маршрутига айланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний айланма йўлларга тўлиқ барҳам бериш, ўтиш чегара постлари, халқаро темир йўл станциялари ҳамда аэропортларда назоратни кучайтириш, айниқса, бундай масканларда тезкор ишлар ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларининг кучайтирилиши бу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

**МИСОЛ УЧУН**, Самарқанд шаҳрида яшовчи Гавҳар Обиддинова Таиланд давлатида бўлган опаси Гулноза Обиддинованинг фоҳишалик билан шуғуллантириш учун одам ёллаш ҳақидаги таклифига биноан Э.Ибрагимов ва Ф.Алиев билан жиноий тил бириктирган. Жиноий гуруҳ олдиндан тузилган режага асосан бир неча қизларни Таиланддаги "ресторанда ишга жойлаштириш"га ишонтириб, уларни фоҳишалик билан шуғуллантириш мақсадида ўшбу давлатга юбормоқчи бўлганларида Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортда қўлга олинганлар.

Ёки, Хонобод шаҳрида яшовчи Л.Мурзаева тўрт нафар қизни алдаб, уларни фоҳишалик билан шуғуллантириш учун ҳар бирини 2000 қирғиз соми эвазига сотиб юбориш учун Қирғизистон Республикасига айланма йўллар орқали олиб чиқиб кетаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан тўхтатиб қолинган.

Ички ишлар органларининг хорижга чиқиш-кириш ҳамда фуқаролик бўлимлари ҳамда бошқа хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, депортация қилинган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг алмашинуви ҳамда бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика тадбирлари бу ишда ўз самарасини беради.

Айниқса, одамларнинг яширин трафиги билан шуғулланаётган халқаро жиноий тузилмаларга алоқадор гуруҳлар, уларнинг жиноий каналларини аниқлаш учун бундай мақсадда фуқаролар олиб ўтилаётган (транзит) ҳамда эксплуатация қилинаётган давлатнинг тегишли хизматлари билан тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, биргаликда тергов-тезкор ҳаракатларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ишдаги яна бир муҳим омил — доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахсларнинг тақдири, уларнинг ҳозирда қаерда ва нима иш билан бандлигини аниқлашга қаратилган тадбирларни жадаллаштириш зарур.

Шу нуқтаи назардан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари барпо этиш ва шу каби бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаш лозим.

Одам савдосининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириш зарур.

**ҚАЙД ЭТИШ ЛОЗИМКИ, республикамизда фуқароларнинг хорижда меҳнат қилишини ташкил этишга доир ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улардаги асосий талаблардан бири — бу хорижга юборилиши кўзда тутилаётган фуқароларнинг муайян давлат ҳудудида ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғуртанинг мавжудлигидир.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарори асосида фуқароларни чет элларга ишга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.**

Фуқароларнинг чет эллардаги меҳнат фаолияти ушбу агентлик орқали амалга оширилиши ҳам уларнинг муайян давлат ҳудудида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланишини, ижтимоий, тиббий муҳофаза этилишини таъминлайди. Жойларда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар мавжуд бўлиб, фуқаролар шу хизматларга мурожаат қилсалар, одам савдоси қурбони бўлишларининг олди олинган бўлар эди.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонунининг 10-моддасида, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилиши ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олиши белгилаб қўйилди.

**РЕСПУБЛИКА** Президентининг **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорида эса одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Албатта, ташкил этиладиган бундай муассасалар одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларнинг жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин аъзоси эканлигини ҳис этиб яшашига эришишда муҳим восита бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

**Рашитжон ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,**
**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси раиси**

**Ислом КАРИМОВ:**

***Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.***

Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармаларида:

# Тарғибот, ташвиқот, таҳлил

*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан жойларда кенг миқёсда турли анжуманлар ўтказилмоқда. Қуйида мухбирларимиз Самарқанд, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларчида бўлиб ўтган тадбирлар ҳақида хабар берадилар.*

60 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

## Самарқанд

# Адолатли жамият

### барпо этишда ёшлар ҳиссаси салмоқли бўлиши лозим

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан Адлия вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги "Ёшлар маркази" биносида учрашув ўтказилди.**





УНДА ОЛИЙ МАЖЛИС Сенати аъзолари, Адлия вазирлиги масъуллари, вилоят адлия бошқармаси ходимлари, вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича масъуллари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлими, Омбудсманнинг вилоятдаги вакили, маҳалла фаоллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари масъуллари, марказий ва маҳаллий ОАВ журналистлари иштирок этишди.

Ўтган давр мобайнида қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, тадбиркорликни, хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишларида ижобий ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Барча мактаблар, коллеж ва лицей ўқувчилари иштирокида баҳс-мунозара шаклида ўтган ушбу тадбирда **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** аниқланди ва ғолибларга Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Мазкур учрашувдан кўзланган мақсад Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари Конституциямизда кенг акс этганлигини, унинг мазмун-моҳиятини мисоллар ва кўргазмали воситалар ёрдамида ёшларга тушунтиришдан иборатдир. Ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда ёшлар ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Ахборот хизмати**

## Наманган

# Истиқлол фарзандлари

### юртимиз равнақига муносиб улуш қўшадилар

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳамда Наманган вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Наманган шаҳридаги Санъат коллежида "Ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси — долзарб вазифамиз" мавзуида кўргазмали семинар ўтказилди.**



Қизғин баҳс-мушоҳадалар билан ўтган учрашув давомида иштирокчилар билан суҳбатда бўлдик.

— ЮРТБОШИМИЗ таъбири билан айтганда, юртимиз ворислари, келажагимиз бўлган ёш авлод билан учрашув, жонли мулоқот ҳамиша кишига завқ бағишлайди, — дейди Чортоқ туманидаги Тиббиёт коллежи директори, сенатор, Марҳабатхон Болтабоева. — Фуқаролар ўз ҳуқуқларини билиш билан бирга Ватан, халқ, миллат олдидаги, фарзандларимиз эса ота-она олдидаги бурчларини янада яхшироқ англайдилар.

Наманган шаҳар, Ал-Хоразмий номидаги 7-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Муҳаммадислом Эранов шундай мулоҳаза билдирди:

— Ушбу тадбир менда катта таассурот қолдирди. Ўзимиз билмаган, ўрганишимиз лозим бўлган кўп нарсаларни билиб олдик. Ҳуқуқ соҳасида катта билим ва тажрибага эга бўлган устозлар билан фикр алмашдик.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ифода этган кўргазмали воситалар — плакатлар, паннолар, китоб, журнал ва ҳуқуқий адабиётлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмали семинар якунида **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Наманган шаҳридаги 7-мактабнинг 10 синф ўқувчиси Анвар Тожибоев "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига бир йил давомида имтиёзли обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди ва унга бир йил муддатга обуна бўлганлиги тўғрисидаги чек топширилди.

Бундай тадбирлар ёшлар ва кенг жамоатчилик иштирокида вилоятнинг барча туманларида ҳам давом этади.



**Абдуҳошим МАДАТОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

## Андижон

# Фаолият фикрлашга ундайди

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташкилотчилигида вилоят касб-ҳунар коллежлари, лицей ва мактаб ўқувчилари, маҳалла фаоллари иштирокида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида учрашув ташкил қилинди.**



Учрашув давомида мутахассислар миллий қонунчилигимиз ва халқаро ҳуқуқий нормалар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида йиғилганларга кўргазмали воситалар асосида маълумот бердилар.

Тадбир давомида **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди. Жумладан, Достонбек Мамажалилов, Наргиза Мўйдинова каби талабалар ҳуқуқий йўналишда анча пухта билимга эга эканликларини намоён этдилар. Ғолиблар Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Бундай учрашув ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ёрдам беради, — дейди "Камолот" ЁИҲ аъзоси Бахтиёржон Мамадалиев. — Бундан ташқари, Ўзбекистон Конституцияси, Давлат ҳуқуқ асослари бўйича ёшлар ўртасида зукколар ўйинлари ташкил этилса, уларнинг бу борадаги қизиқишлари ортади, албатта.

— Вилоят ва республика телевидениеларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзуида кўрсатувлар, махсус роликлар намойиш қилинишини истардик, — дейди талаба Зиёда Мамадалиева.

Тадбир сўнгида иштирокчилар бу каби учрашувларни барча туманлар ва чекка қишлоқларда ҳам ташкил этишга келишиб олдилар. Зеро, жонли мулоқотлар, ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш, яъни амалий фаолият чинакам фикрлашга ундайди.

**Шухратбек МУСАЕВ, "Инсон ва қонун" мухбири**



## Фарғона

# Олий қадрият

**ФАРҒОНА шаҳридаги санъат коллежида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.**



Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур декларациянинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари декларациянинг ҳар бир моддасига жавоб бўла олишини таъкидладилар.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси Шерали Комилов шундай фикрларни билдирди:

— Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув институтининг жорий этилиши юртимизда кечаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида муҳим қадамлар бўлди. Дейлик, ярашув институти Жиноят кодексининг 31 та моддаси бўйича гумонланувчиларга нисбатан қўлланилади ва энг муҳими, ярашув туфайли шахс жиноий жавобгарликдан ҳамда ўз шаънига "судланган" дея битиладиган доғдан халос бўлади.

— Декларациянинг 26-моддасида **"ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда, ҳеч бўлмаганда, бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак"**, дея таъкидланган, — дейди Фарғона шаҳридаги 10-мактабнинг 8-синф ўқувчиси **Наврўза Асланова**. — Мазкур қоида Конституциямизнинг 41-моддасидаги **"ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир"**, деган жумлалар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Фарғона шаҳридаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Феруза Исмоилова ушбу тадбир жараёнида ўзининг ҳуқуқий билимларини анча мустаҳкамлаб олгани, шу билан бирга ўзи ва тенгдошлари билмаган, ўрганишлари лозим бўлган тушунчалар талайгина эканлигини таъкидлади.

Тадбирда фаол иштирок этган 7 нафар ўқувчи **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Хуршид СУЛТОНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири, Шамсиддин ҚОРАБОЕВ олган суратлар**



# Тизим тадбирлари

## Талаба ва ҳуқуқий маданият

**2008 — "ЁШЛАР ЙИЛИ" Давлат дастури доирасида Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан уюштирилган семинар-машғулот талаба ва ҳуқуқий маданият масаласининг илмий ва амалий ечимларига бағишланди. Унда талабалар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг амалий ва назарий қирралари, тарбиявий тадбирларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, ёшлар тарбиясида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига оид қатор қизиқарли маърузалар тингланди.**

Семинарда талабалар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва унда жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган бошқа кўпгина таклиф ва мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди.

**Абдулла СОБИРОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

## Жамият ва оила

**МАЪЛУМКИ, жамият тараққиёти ҳар жиҳатдан оилалар мустаҳкамлигига боғлиқ. Оила мустаҳкамлиги эса ўз навбатида никоҳга бориб тақалади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ҳам никоҳ орқали оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.**

Поп туманидаги аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган 11-сонли мактаб-интернатида бўлиб ўтган йиғилиш мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва тумандаги ижросига бағишланди. Вилоят адлия бошқармаси, туман ФҲДЁ бўлими ва соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда устоз-мураббийлар ва ўқувчилар иштирок этишди.

**Нодира ЖАЛОЛОВА, Поп тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

## Фарзандлар камолоти йўлида

**ҚУВА ТУМАНИдаги "Янгиҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғинида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда "Ёшлар йили" Давлат дастурининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Ҳукуматимиз томонидан болаларга, умуман, мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилган кенг имкониятлар улар камолоти йўлида хизмат қилмоқда. **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 2008 йилнинг **"Ёшлар йили"** дея номланиши бу борадаги ишларнинг энг эътиборлисидир.

Ҳудуддаги барча маҳаллалар фаоллари, устоз-мураббийлар ҳамда фуқаролар иштирокидаги ушбу тадбир туман ФҲДЁ бўлими ва туман давлат нотариал идораси томонидан ташкил этилди.

**Ҳадича ЖЎРАЕВА, Қува тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

## Янги оилаларга ғамхўрлик

**"ЁШЛАР ЙИЛИ" Давлат дастурининг ижросини таъминлашга оид тадбирлар доирасида Навоий вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Хатирчи тумани Марказий ўйингоҳида 5 нафар кам таъминланган оила фарзандлари — янги келин-куёвларнинг никоҳ маросимлари ўтказилди.**

Унда туман ФҲДЁ бўлими томонидан ёш келин-куёвларга никоҳ гувоҳномалари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ихтиёр ҚЎЗИЕВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Вояга етмаганлар билан ишлаш

**БУХОРО ВИЛОЯТИ халқ таълими бошқармасида вилоят адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари томонидан "Вояга етмаганлар билан ишлашда ювенал адлиянинг ўрни" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Сўзга чиққанлар болалар орасида девиант хатти-ҳаракатлар кучайишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий чоралар самарадорлигини янада ошириш зарурати юзага келаётганлиги, шу ўринда ювенал адлиянинг аҳамияти беқиёслиги, жаҳон юриспруденциясида вояга етмаган ҳуқуқни бузувчилар учун махсус одил судловнинг қатъий тизими яратилганлиги ва у "Ювенал адлия" деб номланиши, республикамизда 1992 йил декабрь ойида халқаро ҳуқуқнинг муҳим ҳужжатларидан бири бўлган **"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"**ги Конвенциянинг имзоланганлиги ва **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида батафсил маълумотлар бердилар.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг **"Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарори юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар.

**Маҳфуза НОРОВА, Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

*Сайлов ва сайловчи*

# Демократиянинг ёрқин ифодаси

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ОЛДИДАН

● **Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?**

● Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Жумладан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича овоз бериш якунлари эълон қилинади.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилади.

● **Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари қанча муддатга сайланади?**

● Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Шу сабабли сайлов ҳар икки ярим йилда бир марта ўтказилади.

● **Сайловни ташкил этишда давлат органлари ҳам иштирок этадими?**

● Сайлов эркин, ҳеч қандай давлат органининг аралашувисиз ўтказилади. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлайди.

● **Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш қайси органлар томонидан амалга оширилади?**

● Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар жамоатчилик асосида тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фақатгина фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади.

● **Комиссия таркибига кимлар кириши мумкин?**

● Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

● **Номзодлар комиссия таркибида бўлиши мумкинми?**

● Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

● **Комиссияларнинг ваколатлари нималардан иборат?**

● Комиссиялар:

Ўзбекистон Республикасининг "**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида**"ги Қонуни ижросини таъминлайди ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

тегишли ҳудудда сайлов якунларини чиқаради;

сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларни кўриб чиқади;

сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**(Давоми бор)**

**Саволларга Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Абдукамол РАҲМОНОВ жавоб берди.**

● *Анжуман*

# Малакали ва одил судьялар

## чинакам ҳимоячи



**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Анжуманда Президентимизнинг 2008 йил 23 июндаги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мўстақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилганлиги суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ушбу марказнинг Юристлар малакасини ошириш маркази Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси билан суд ходимлари малакасини ошириш ҳамда судьяликка номзод кадрларни қайта тайёрлаш ишларида суд ходимлари лавозимлари динамикасини мониторинг қилиш ва шу асосда зарур чора-тадбирлар кўриш бўйича яқиндан ҳамкорлик олиб бориши лозимлиги эътироф этилди.

Иштирокчиларнинг судьялар малакасини оширишнинг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнидаги аҳамияти, судьяларни танлаш ва тайинлаш тартиби, жиноят процессида суд назоратини амалга ошириш каби мавзулардаги қизиқарли маърузалари йиғилганларни фикр-мулоҳазаларга ундади.

Конференция қатнашчилари томонидан муҳокама қилинган мавзулар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Қизғин мулоқот руҳида ўтган ушбу тадбирда Юристлар малакасини ошириш марказида таҳсил олаётган судьялар ҳамда судьяликка номзод тингловчилар ҳам суд қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

**Дилором МАТКАРИМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири**

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар**

# Маҳалла

## ҳуқуқий демократик давлат қурилишида муҳим ўрин тутади

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА эришгандан сўнг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ҳам бир қатор ўзгаришлар рўй бераётганини кузатиш мумкин. Яъни мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" сиёсий қурилиш дастури асосида давлат ҳокимиятининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш жараёни кечмоқда.**



**Сарваржон ЁВҚОЧДИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими**

Юртимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимининг шаклланиши ва ривожланишига жиддий эътибор қаратилиб, "**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида**"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур Қонун асосида фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ўзига хос мустақил фаолият тури йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институтини ривожлантиришга, унинг энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этишга қаратилган, яъни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг олий органи сифатида "**Фуқаролар йиғини**" фаолият кўрсата бошлади. Бу эса мамлакатимиз Президентининг "**Жамият ва давлатни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда босқичма-босқичлик тамойилига амал қилган ҳолда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги узоқни кўзлаган стратегик вазифалар — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир**" деган кўрсатмаларининг амалдаги исботидир.

Ҳозирги кунда маҳаллаларда азалдан таркиб топган миллий-маънавий қадриятларни кенг қамровли тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, аҳоли ўртасида маданий ва маърифий ишларни юқори даражада йўлга қўйиш, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, инсонлар ўртасида ўзаро бирбирини тушуниш ҳамда яхши қўшничилик ғояларини тарғиб этиш, кам таъминланган оилаларни моддий рағбатлантириш ҳамда маҳаллани ободонлаштириш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конституциямизнинг 105-моддасида "**Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди**" деб белгилаб қўйилган.

Яқин кунларда ўтказилиши мўлжалланаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу сайлов демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилиши учун жойларда ишчи гуруҳлари тузилиб, улар томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари бошлаб юборилган.

Зеро, мазкур сайлов ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янгича мазмун-моҳият билан бойитиши баробарида, жамиятни эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, демократик қадриятларни жамият ҳаётида янада кенг қулоч ёйиши ва илдиз отишига, энг муҳими, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларидан бири — маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

● *Сабоқ*

# Ўзбошимчалик билан қурилган

## уйларга эгалик қилиш мумкин...ми?

**ҲУҚУҚИЙ ОНГ фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қай даражада билишлари билангина эмас, балки шу ҳуқуқлардан фойдаланиш жараёнида амал қилишлари шарт бўлган муносабат мезонларини қанчалик тушуниши билан ҳам белгиланади. Ваҳолангки, ҳуқуқ бор жойда бурч, масъулият ва мажбурият ҳам мавжуд.**

Конституциямизнинг 53-моддасига мувофиқ хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Яъни, якка тартибда уй қуриш фуқароларнинг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Ҳаётда баъзан фуқароларнинг ўзбошимчалик билан иморат қуриш ҳолатлари кузатилади. Фуқаролик кодексига мувофиқ ўзига белгиланган ер участкасида қурилган иморатга мулк ҳуқуқи берилади. Ёки шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи, агар мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса, суд томонидан эътироф этилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди, бундай уйга нисбатан олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, мерос олиш, шунингдек, уйни бўлиш билан боғлиқ даъволар, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинганидан қатъи назар, судларга тааллуқли эмас. Бундай даъволар билан арз қилинганда, суд ФПКнинг 15-моддаси, 1-бандига асосан аризани қабул қилишни рад этади, агар иш қўзғатилган бўлса, ушбу Кодекснинг 100-моддаси, 1-бандига кўра, иш юритишни тугатади ва аризачига ушбу талаб билан тегишли ҳокимиятга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиради.



Суд амалиётида кўп ҳолларда уй-жой билан боғлиқ низоларни кўришда ер участкалари якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқаронинг отасига, онасига ёки яқин қариндошларига берилиб, ер участкасида бошқа шахслар, фарзандлари, ака-укалари иморат қуриб, уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш учун ҳокимликка мурожаат қиладилар. Ўзаро низо бўлмаса, ҳокимият томонидан уй-жойга эгалик ҳуқуқи белгиланади. Аммо бошқа бировнинг ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни марҳум ота-оналари номига эгалик ҳуқуқини ўрнатиш ва мерос таркибига киритиш тўғрисидаги низолар ҳам суд амалиётида учрамоқда.

Бундай низоларни кўришда судья томонидан иморатнинг ер майдони кимга ажратилганлиги, ер участкаси белгиланган тартибда даъвогар ёки жавобгарларга берилганлиги ҳолатлари текширилади. Агар мазкур иморат жойлашган ер участкасини даъвогарга ажратиш рад қилинган тақдирда, суд низо мавжудлиги сабабли даъвогарга рад этиш ҳақидаги қарор устидан суд тартибида низолашишга ҳақли эканлигини тушунтириб, ишни кейинга қолдиради.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини таниш баробарида бурчларини ҳам англаши муносиб турмуш фаровонлигига эришиш учун хизмат қилади.

**Шоҳиста ЗОҲИРОВА, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро суди судьяси**

**Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, Оила кодекси ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган. Уларга мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.**

● *Васийлик ва ҳомийлик*

# Бола ҳуқуқи — муқаддас



Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказиши мумкин эмас. Болаларни тарбиялаш шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ва эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.

Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқиқга эга.

Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга, ёш авлодни жисмоний ва руҳий соғлом қилиб тарбиялашга, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майда "**Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида**"ги қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор, шунингдек, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш, мақсадида Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Самарқанд туманидаги васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, барча коллеж ва мактаб директорлари, туман "Маҳалла" жамғармаси вакиллари, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш инспекторлари, ФҲДЁ бўлими ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Бундай тадбирларда Низомда кўрсатилган барча талаблар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар органлари, суд, соғлиқни сақлаш органлари ва ФҲДЁ бўлимларига тааллуқлилигига тегишлилиги бўйича тушунтирилди ҳамда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун юзасидан кенг қамровли тарғибот ишлари олиб бориш юклатилди.

Муддао ва мақсадимиз ҳар бир инсоннинг оила олдидаги масъулиятини ошириш, уларга инсон ҳуқуқи — бола ҳуқуқидан бошланишини яна бир бор эслатиб ўтишдан иборатдир.

**Нодира МИРМУҲАМЕДОВА, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходими**

# Оила мустаҳкамлиги

**ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ соғлом ўсиши миллат келажагига дахлдор бўлган масъулиятли жараён. Бу эса энг аввало, оилада ота-она саломатлиги билан узвий боғлиқ.**

ФҲДЁ бўлимимизда нечта никоҳ қайд этилган бўлса, уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Муҳими, улар тиббий кўрикдан ўтишнинг афзаллигини англаб, буни ихтиёрий равишда амалга оширдилар. Бу бир жиҳатдан оила қурган йигит-қизлар, аввало, соғлом оила, фарзандлар соғломлигига жиддий муносабатда бўлишаётганини англатади, албатта.

Бўлимимиз ходимлари томонидан туман ёшлари учун "Меҳр-муҳаббат — оила устуни", "Оила бошлиғининг масъулияти", "Аёл эъзози" каби мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоб кечалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Биз билан ҳамкорликда тиббиёт ходимлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб, бўлажак оила соҳибларини тиббий кўрикдан ўтказишда астойдил иш олиб боришаяпти.

**Динора КОЖИМОВА, Зарафшан шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири**

● *Қиёс*

# Конституция бизни ҳимоя қилади

## қонуний, тўғри йўлдан юришга даъват этади, ҳақ-ҳуқуқларимиз поймол бўлишининг олдини олади

БЕШ ЁШЛИ жияним ўзига хос ширин тилда шундай деди:

— Мен, 8 декабрда, Конституциямиз билан бир кунда туғилганман!

— Конституция нима, биласанми ўзинг, билмайсан!? — тегажоқлик қилди унга акаси.

— Конституциямиз, сиз, биз, ҳаммамизни ҳимоя қилади, билдийизми?

Ширингина жияниммнинг бийронлиги, ҳозиржавоблиги, энг муҳими, боғча ёшидаёқ Конституциямиз тўғрисида ўзига хос тасаввурга эга экани мени ғоятда хурсанд қилди.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада олий юридик ҳужжат — Конституциямизни барча таълим-тарбия муассасаларида ўрганиш ишлари ташкил этилгани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойиши эълон қилинганидан сўнг бу борадаги чора-тадбирлар янада қизғин тус олди. Ўша кезда Бош қомусимизни ҳафсала билан ўрганганим иш жараёнида нечоғлик фойда бераётганини билсангиз эди. Келинг, шу ўринда бир ҳаётий воқеага тўхталиб ўтай: Бир гал суд жараёнида уч-тўрт ҳамкасб иштирок этмоқчи бўлдик. Раислик қилувчи судьядан кузатувчи сифатида жараёнда иштирок этишга ижозат сўрагандик, негадир бунга рухсат бермади.

— Журналистлар жараён мобайнида ўзаро суҳбатга тушиб кетишади ёки савол-жавоб чоғида турли луқмалар ташлаб, ишни чалғитишади, — деди у қатъи, оҳангда, гувоҳномаларимизни бир-бир узата туриб...

Бир нафаслик сукутдан сўнг бир ҳамкасбим эътироз билдирди:

— Бу ҳаракатингиз Конституциямизга зид-ку!

— Тўғри, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши Конституциямизнинг 113-моддасида белгилаб қўйилган, — қувватладик ҳамкасбимизни.

Раислик қилувчи судья хижолат тортгандай бўлди:

— Фақат ишга ҳалал бермайсизлар...

Ўша кезда ёш бўлсакда, Асосий қонунимизнинг таъсир кучи нечоғлик салмоқли эканини юрак-юрагимиздан ҳис этдик. Очиғи, Асосий қонунимиз ўша кезда бизга журъат бахш этди...

...Газетамизда бир шикоят ва унга оид иш ҳужжатлари юзасидан журналист мулоҳазаси эълон қилинди. Мазкур мақола, гарчанд, холислик тамойилига зид бўлмаса-да, тегишли давлат идораси раҳбари имзоси билан эътирозлар билдирилган мактуб келди. Мактубда **"...Барчамизга маълумки, амалдаги қонун талаби бўйича судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади..."** деган жумлалар бор. Мазкур мактубга Асосий қонунимизнинг **29-, 67-**моддалари билан асосли жавоб юборилганди ҳамки, айнан шу мақола юзасидан таҳририят хат қутисига яна бир эътирозли мактуб келиб тушди. Ундаги мана бу жумлалар кўпчиликни ҳайратга солди:

**"Мухбир қонуний кучда бўлган суднинг қарорлари ҳамда судда кўрилган фуқаролик иши юзасидан ўз эътирозларини билдириб, уни газетада чоп этишга ҳақли эмас!"**

Таажжуб, мактуб муаллифи ҳуқуқшунос бўла туриб, оммавий ахборот воситалари эркинлиги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилганлиги, мазкур меъёрга мувофиқ кўплаб ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинганини, наҳотки, билмаса?!

Муаллифнинг юқорида келтирилган эътирозига жавобан **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**ги Қонуннинг 9-моддаси, 2-хатбошисини айнан келтириш жоиз:

**"Таҳририят ходими муайян воқеа ёки ҳолат юзасидан тергов тугамаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир".**

Албатта, бу сингари эътирозлардан кимлардир мухбир **"барча ҳолатларни тўлиқ ўрганмаган кўринади"**, деган фикрга ҳам борди. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорадан **"Мақолада келтирилган важлар ўз тасдиғини топди"** деган мазмунда жавоб олдик.

Таҳририятнинг умумий йиғилишида бу жавоб эълон қилинди. Ҳамманинг кайфияти кўтарилди. Мақола муаллифи ўринсиз эътирозларга Конституциямиз ва унга мувофиқ қонун ҳужжатлари асосида муносиб жавоб йўллаган таҳририят аъзоларига миннатдорчилик билдирди. Унинг қувончдан порлаб турган кўзларига боқдиму беихтиёр жиянимни эсладим. Қулоғим остида унинг жарангдор овози эшитилгандек бўлди: "Конституциямиз — сизни, бизни, ҳаммамизни ҳимоя қилади!".

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




# Моҳият очиб берилди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗнинг **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги 2001 йил 4 январдаги Фармойиши талабларига мувофиқ адлия органлари ходимларининг Конституция бўйича билимларини ошириш ҳамда Конституция қабул қилинганлигининг 16 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент Давлат юридик институти ва Бухоро вилояти адлия бошқармаси ҳамкорлигида Бухоро шаҳар ҳокимлигида семинар-тренинг ўтказилди.

Бундан кўзланган мақсад, Конституциямизнинг ҳар бир бўлим, боб ва моддасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини мутахассисларни жалб қилган ҳолда адлия таркибидаги муассаса ходимлари билан бир қаторда кенг халқ оммасига, ўқувчи ва талабаларга етказиш.

**"Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати"** мавзуидаги семинар-тренинг баҳс-мунозара шаклида ташкил этилган бўлиб, иштирокчилар ўзаро фикрлар алмашиш тарзида ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли мутахассислар томонидан жавоблар олдилар ва бу каби семинарларни вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этиш хусусида якдил фикр билдирдилар.

**Зафар ТОИРОВ,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

● *"Конституция — менинг тақдиримда" танловига*

# Шарафли бурч

**КОНСТИТУЦИЯ – инсон фаолиятининг ҳуқуқий кафолатидир. Дарҳақиқат, унинг моддаларига назар ташлар эканмиз, барчамизнинг бирдек ҳуқуқимиз ифодаланганлигига гувоҳ бўламиз. Конституцияда нафақат ҳуқуқларимиз, балки бурч ва мажбуриятларимиз ҳам белгилаб қўйилган.**

Жумладан, унинг 52-моддасида шундай дейилади: Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил ҳизматни ўташга мажбурдирлар.

Ушбу моддада ҳақиқий эр йигитнинг бажариши лозим бўлган шарафли бурчи ҳақида сўз юритилган.

Ёшлигимдан амакимга ҳавас қиламан. Кучли, ақлли, билимли, ўз мулоҳазаси билан иш юритади. Мен ҳам унингдек улғайиб, тезроқ ҳаммага фойдам тегишини истайман. Ҳар бир ишимда амакимга тақлид қилишим сезилиб туради.

Яқинда у ҳарбий хизматга кетди. Онаси уни кузатиш чоғида нон тишлатиб, ич-ичидан дуо қилдилар. "Бўйларингга жоним тасаддуқ болам, хизматингни чин дилдан адо эт. Зеро, бу биргина сенинг эмас, балки менинг ҳам Ватан олдидаги хизматимдир!"

Амаким ортига бир қаради-ю, кетди. Мен эса шу чоғда унинг ўрнида бўлиб қолишни жуда-жуда истадим. Нон уйнинг тўрида осилиб турибди. Нонга қараб, амакимни эслайман. У Ватан олдидаги бурчини адо этяпти. Мен эса ўқиш билан бандман...

Ниҳоят, амаким хизматдан қайтди. Билагига куч қўшилган. Энди у янада улғайган. Юрт меҳри, садоқат туйғуси ва соғинчга тўла кўзларига қараб, мен ҳам юртимни ҳимоя қилишга қодир йигит бўлиб туғилганимдан фахрландим.

Юртни ҳимоялаш, унинг учун жонингни фидо этиш ўз уйингни, қўни-қўшнингни, миллатингни ҳимоялашдир. Ушбу шарафли бурчни адо этиш ҳар бир ўзбек йигитининг орзусидир.

**Шоҳжахон РАСУЛОВ,**
**Тошкент шаҳридаги 260-мактабнинг 9-"А" синф ўқувчиси**

● *Давра суҳбати*

# Ҳамкорлик

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар ҳамда идора ва ташкилотлар зиммасидаги бир қатор вазифалар белгилаб берилган.**

ЯҚИНДА республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида ўтказилган **"Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан ички ишлар идораларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва давлат органлари, миллий институтлар, нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги"** мавзуидаги давра суҳбатида ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, миллий қонунчилигимизни инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштириш жараёни изчил давом эттирилаётганлиги хусусида тўхталди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи Ички ишлар вазирлигининг энг долзарб ва асосий фаолият йўналишларидан бири саналиб, бу соҳада кўплаб давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мазкур тизимда инсон ҳуқуқлари таъминланишини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг сентябрь ойида вазирликда **Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари** ташкил этилганлиги ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Давра суҳбатида 2004 йилнинг 10 декабрида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Ички ишлар вазирлиги ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисида тузилган Битимнинг ҳаётга татбиқ этилиши бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштиришга хизмат қилаётганига эътибор қаратилди.



Тадбир доирасида Ички ишлар вазирлиги билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорлик Битими имзоланди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**Тошкент вилояти ИИБ матбуот гуруҳи инспектори**

● *Иқтисодиёт ва ёшлар*

# Тадбиркорлик фаолияти

## Вояга етмаганларнинг иқтисодий эркинлиги ва халқаро андазалар

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ тадбиркорлик фаолияти давлатимиз томонидан кафолатланганлиги халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларига тўла мос келади. Мазкур декларациянинг 17-моддасига кўра ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. 23-моддасига биноан эса "ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга". Шу жумладан, вояга етмаган шахслар ҳам якка тадбиркор сифатида меҳнат қилиши, тадбиркорлик фаолиятини йўналишини эркин танлаши, бошқа шахслар билан ҳамкорликда корхона тузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритиши мумкин.**

ТАДБИРКОРНИНГ иқтисодий мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги унинг эркин рақобатлашуви учун замин яратади.

Бош қомусимизнинг 36-моддасида ҳар ким мулк ҳуқуқига эгалиги, 53-моддасида Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини ҳар хил шакллардаги мулк ташкил этиши қайд қилинган.

Турли шаклдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун тенг иқтисодий шароит ва уларни ҳимоя қилиш учун тенг ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлашни давлат ўз зиммасига олади. Бу аввало, Асосий Қонунимизда ўз аксини топган. Конституциянинг 53-моддасига биноан **"...Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди"**.

Энг муҳими, тадбиркорлик фаолиятининг тараққиёти ўз навбатида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириб боришга, шу асосда бозорни турли маҳсулотлар билан тўлдиришга, нарх-навонинг арзонлашувига, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Халқимиз фаровонлиги, мустақил Ватанимизни янада тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар қаторида шижоатли ёшлар, меҳнатсевар элимиз фарзандлари ҳам камарбаста бўлишга интилмоқда.

**Бахшилло ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси,**
**Боймурод АБДУЛЛАЕВ, магистрант**



**1991 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРда мустақил республикамиз томонидан ратификация қилинган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳисобланади. Бу давлатимизнинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олишини ва уларнинг миллий қонунчилигимизда қўлланишини англатарди.**

# Даъво муддатлари

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида **"ҳар бир инсон унга Конституция ёхуд қонун билан берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланишига ҳақлидирлар"** деб кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқларининг узвий таркибий қисми бўлган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқни тиклаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бу чоралар аксарият ҳолларда муайян вақт даврида амалга оширилади. Субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш муддатлари мулкий ва шахсий номулкий муносабатларнинг алоҳида турларини тартибга солувчи тегишли ҳуқуқ нормалари билан белгиланади. Мазкур вақт даврлари фуқаролик ҳуқуқида ўзига хос турдаги муддатлар гуруҳини ташкил этади. Ушбу турдаги муддатларнинг энг асосийси даъво муддатидир.

Даъво муддатларининг асослари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қолаверса, даъво муддати институтининг ривожланиши бевосита унинг ҳуқуқий асослари такомиллашуви жараёни билан узвий боғлиқдир.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига асосан умумий даъво муддати уч йил, унинг 151-моддасида белгиланган махсус даъво муддатлари эса умумий даъво муддатига қараганда кўпроқ ва камроқ қилиб белгиланган.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари ушбу ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳисобланганлиги сабабли, даъво ана шу ҳимояни амалга оширишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 10-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишларнинг қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш шароитида Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилганидек, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланиш билан бирга ўзгаларнинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаши, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонликнинг одилона талабларини бажариши зарур. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва аъмоли бўлиб, энг аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асло зид бўлмаслиги керак.

**Феруза ИБРАТОВА,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

**1948 ЙИЛДА ҚАБУЛ қилинган Инсон ҳуқуқлари умужаҳон декларациясининг 4-моддасида шундай жумлалар қайд этилган: "Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади". Шунга қарамай, инсоният ҳаётига зомин бўлаётган бу иллат жаҳон миқёсида ўз томирини ўргимчак тўри сингари ёйиб бормоқда. Хўш, траффик қандай жиноят?**

# Таҳдид

## уюшган жиноятчиликнинг асосий белгисидир

ҲОЗИРГИ КУНДА халқаро ҳуқуқшуносликда ушбу атама бирон-бир турдаги жиноятчиликка боғлиқ, деган нуқтаи назар мавжуд эмас, шу сабабли наркотикларга қарши кураш борасида фаолият олиб борувчи мутахассислар бу атамани "наркотраффик" тушунчаси билан боғлашса, қурол савдосига қарши курашаётган халқаро ташкилот ва давлатлар "қуроллар траффиги"га барҳам беришга астойдил курашиб келмоқда. Ва ниҳоят, одамлар савдосига қарши курашувчилар мазкур атамани тез-тез ишлатиб туришади, яъни "аёллар ва болалар траффиги" ёки "одамлар траффиги" мисолида.

Мазкур жиноятнинг қулоч ёйишига бир қанча сабаблар бор: биринчидан, юқори талабга эга бозорнинг ва ҳудудларнинг мавжудлиги; иккинчидан, мазкур "арзон товар"ларга шаҳвоний хизматлар ва меҳнат бозорида юқори ва тинимсиз талабнинг ошиб бориши; учинчидан, бу турдаги жиноятга нисбатан жазо белгилаш қатъий эмас, яъни муайян субъектнинг одам ўғирлашда алоқаси борлигини исботлаш ниҳоятда мураккаб эканлиги ва ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик даражаси юқори эмаслиги билан ажралиб туради.

Бу иллат жамиятимизнинг таянчи бўлган оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлишини аёлларимиз тўла англаган ҳолда, мудҳиш оқибатларнинг олдини олиш учун кескин чоралар кўриш керак, деган таклифлар билан чиқишмоқда. Юқори даромад илинжида ўз оиласини узоқ муддатларга ташлаб кетган ва ёлғоннинг қурбони бўлиб, оғир кунларни бошидан кечирган аёллар қандай психологик ҳолатда қайтиб келишлари ёки умуман бедарак йўқолиб кетишлари мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Демак, одам савдосига қарши курашиш ўта долзарб ҳисобланиб, бу ишда ҳамма бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилмоғи талаб этилади.

**Азамат АБЗАЛОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

Гулнора ҲАМРОЕВА

# ЯШАШИМ КЕРАК...



*Қиссадан парча*

**(Боши ўтган сонларда)**

... Салимжон хотинининг қўрс феълидан ҳамиша куйиб юрарди. Табиатан довдирроқ, яхши билан ёмоннинг унча фарқига бормайдиган Нодира кўпинча одамларнинг оғиз кўпиртириб мақтанишига, ялтир-юлтир кийинишига қараб хулоса чиқарарди.

Ўн йиллар олдин хотини мана шу Санталат билан дугона бўлиб қолганди. Лекин ўша пайтлар ёши ўттиз бешларда бўлган, эгнига худди йигирма яшар қизлардек либос илиб оладиган бу аёлни жини суймасди. Энг ёмони, у фақат ўзини мақтар, қўни-қўшнисидан тортиб, овсинларию қайниларигача эринмасдан бир-бир ғийбат қиларди. Эрини ландавурдан олиб лапашангга солар, қайнсингилларини сал бўлмаса бузуқига чиқариб қўярди. Уч эрдан чиқиб, охири ёши ўтиб қолган бойваччага ўйнаш бўлиб юрган синглисини эса фаришта ўрнида кўриб мақтарди. Нима бўлдию, аёл эрини ташлаб, Тошкентга кўчиб кетди.

Олти ойлар олдин чамаси эр-хотин суҳбатлашиб ўтириб, Нодира дугонасидан гап очиб қолди.

— Хўжайин, анови Санталат дугонам бор-ку, жуда зўр бўлиб кетганмиш-да.

— Ўзи шундоғам "жуда зўр" эди-ку. Ундан ҳам "зўр" бўлибдими? — деди Салимжон заҳарханда қилиб.

— Ие, заҳрингизни сочмай туринг. Мен тўғри маънода гапиряпман. Бугун Манзурани кўрувдим.

— Қайси Манзурани?

— Нариги кўчадаги коммерсант Манзура бор-ку, ҳалиги уста Маҳмуднинг хотини. Шу "Иппадром"да мол олатуриб Санталат билан учрашиб қолибди. Дугонангизни кўриб, кўзим қамашиб кетди, дейди. Санталатнинг бўйнида йўғонлиги чинчалоқдек келадиган тилла занжир бормиш. Ўзиям нақд икки-уч миллион турса керак, дейди. Бармоқларига қўша-қўша олмос кўзли узуклар тақиб олганмиш. Арабистонга қатнаб, тижорат билан шуғулланаяпман, кўтарасига мол олиб келиб сотаман, деганмиш. Юнусободда беш хоналик хонадони, яна Тошкентнинг қаеридадир ҳовлиси бор экан. Ўғлига "Мерседес" олиб берибди.

— Хўш, нима қилибди? Ё, сенам ўша дугонажонингни олдига бориб, тижорат билан шуғулланмоқчимисан? Эшитаяпмиз, бунақа ювиқсизларнинг қандай қилиб тижоратчи бўлиб юрганини.

— Энди, айтаяпман-да.

— Бир айтдинг, бошқа айтма! Тоқатим йўқ ўша бетийиқнинг номини эшитишга.

— Вой, сизга бир нима гапириб ҳам бўлмайди. Билмайман, сизга Санталатнинг нимаси ёқмайди. У бечора ҳам тузукроқ кун кўрай, деб ўзини ҳар ёққа уриб юрибди-да. Бошида битта шўлтайган эри бўлса. Кўрсанг, энсанг қотади. Дугонам йўқчилик жонидан ўтиб кетганидан кейин фоизи билан қарз олиб, шу ишни бошлади. Ҳозир Арабистонда кўп таниш-билиш орттирибди.

— Буниям ўша Манзура айтдими?

— Ҳа. Манзурага Санталат айтибди.

— Сан бу гапларни эшитган бўлсанг, ман Санталатга ўхшаганлар тўғрисида "бошқача" гапларни эшитиб юрибман. Боя айтдим-ку, ўша ёқларга бориб, бошқача "тижорат" билан ҳам шуғулланиб юрганини. Майли, ўзи билади, нима бўлсаям бу ерга қадамини босмаса бўлгани.

***

Шу суҳбат бўлиб ўтганидан кўп ўтмай Салимжон бу аёлни эсидан чиқариб юборганди. Аммо...

Эрталаб Нодира эри билан ўғлини ишга кузатиб қўйиб, хонтахта устини йиғиштирди. Ошхонада идиш-товоқларни артиб, жой-жойига қўйди. Кейин меҳмонхонага кириб, кўчалик кўйлагини кийди. Шу пайт дарвоза қўнғироғи жиринглаб қолди. У шоша-пиша калишини илиб, дарвозахонага ўтди. Ташқарига чиқар экан, пардоз-андозни астойдил ўрнига қўйган, сўнгги модада кийиниб олган аёлни туйқусдан танимади.

— Нодирахон, яхшимисиз? — деди аёл ёшига ярашмаган ноз-карашма билан тилла тишларини иложи борича яроқлатиб илжаяр экан.

— Санталатхон ўзингизмисиз?

— Ўзимман айланай, ўзимман.

— Вой, ассалом, дугонажон. Қайси шамол учирди биз томонларга?

— Дунёнинг шамолларида, айланай.

Улар бир-бирларига елка тутиб авайлабгина қучоқлашиб кўришаркан, Нодиранинг димоғига ўта хушбўй атир ҳиди гуппуллаб урилди. Шу аснода дугонасининг бўйнига тақилган, бир учи эгнидаги кўйлагининг очиқ ёқасидан тошиб, кўкси устида илондек тўлғониб турган тилла занжирга кўзи тушди. "Манзура ўлгур ёлғон гапирмаган экан", деган ўй хаёлида яшиндек чақнади. Дугонасидан анқиб турган муаттар ҳид димоғини қитиқлар экан, яна ўша Манзуранинг, "бир шишачаси минг доллар турадиган атирлари бор" деган гапини ҳам эслади. Ичидан бир нима узилиб тушгандек бўлди. Унинг ҳозиргина табассум жилваланиб турган лаблари пирпираб, бир томонга буралиб кетаётганини ҳис қилди-ю, ўзини қўлга олиб яна илжайишга тушди.

— Қани дугонажон, ичкарига марҳамат.

— Йўғе, сал шошиб тургандим. Шу десангиз, бир иш билан бу ёқларга йўлим тушувди. Шу атрофда Манзура деган коммерсант яшайди. Шу билан бир иш бўйича учрашишим керак. Уйини сиз билишингизни айтганди.

— Ҳа, Манзурами?.. У билан ҳам қалин дугонамиз. Уйи бир кўча нарида. Манови чорраҳадан ўнгга бурилиб сал юрсангиз, яна чорраҳа чиқади. Кейин чапга буриласиз. Чап томондан ё бешинчи, ё олтинчи дарвоза. Аммо, озиб-ёзиб бир келиб қолибсиз, уйга кирмасангиз, бир пиёла чойимни ичмасангиз, хафа бўламан. Ахир, неча йиллик қадрдонмиз-а...

**(Давоми бор)**





| *New Holland TL 100 трактори* | *Трактор New Holland TL 100* |
|---|---|
| Ерга ишлов беришда тўлиқ цикл (ер ҳайдаш, бороналаш, култивация қилиш, юмшатиш, чизел, канал қазиш, ўғит сочиш, ер сатҳини текислаш) ва юк ташиш учун **мўлжалланган** | **Предназначен** для полного цикла агротехнических работ по обработке почвы (вспашка, боронование, культивация, чизель, посев, каналокопатель, разбрасыватель удобрений ) и транспортировки |
| Асосий техник кўрсаткичлари:<br>- қуввати - 100 от кучи;<br>- конструкцияси соддалаштирилган, Ўзбекистон ҳудудида ишлаш учун мослаштирилган;<br>- цилиндрлар сони - 4 турбо;<br>- узатмалар сони, секинлаштиргич мосламаси билан (олдига-орқага) - 12/12;<br>- тезлик диапазони - 0,4 - 40 км/с.;<br>- юк кўтариш қобилияти - 2700 кг;<br>- умумий оғирлиги (қўшимча юки билан) - 3565 кг.;<br>- ВОМ - 540 / 1000 айланиш/мин. | Основные технические характеристики:<br>- мощность 100 л.с.;<br>- с упрощенной конструкцией, адаптированный к условиям Узбекистана;<br>- количество цилиндров - 4 турбо;<br>- число передач с замедлителем хода (вперед - назад) - 12 / 12;<br>- диапазон скорости - 0,4 - 40 км/ч.<br>- грузоподъемность - 2700 кг<br>- общая масса трактора: 3565 кг.<br>- ВОМ - 540 / 1000 об/мин. |

*"ЎзКейсСервис" ҚК сервис марказларининг жойлашиши*

| Ҳудуд | Манзил | Тел: | факс: |
|---|---|---|---|
| Марказий идора | Тошкент ш. Фурқат к-си 16 блок 1 | 8 71 120 60 97 | 8 71 120 89 77 |
| Андижон | п. Чинобод, проспект Чинобод, 5 | 8 365 222 75 60 | 8 374 222 31 79 |
| Фарғона | Боғдод ш., Усмон Юсупов к-си, 137 | 8 373 479 13 48 | 8 373 479 11 51 |
| Наманган | Уйчи ш., Беруний к-си 7 | 8 369 482 21 28 | 8 369 482 20 75 |
| Тошкент | Ўртачирчиқ т, пос. Қорасув 2 | 8 71 120 79 51 | 8 71 120 79 51 |
| Сирдарё | Гулистон ш., Тошкент к-си | 8 367 227 74 65 | 8 367 227 74 57 |
| Жиззах | Пахтакор т, Пахтакор ж.х. | 8 372 226 41 02 | 8 372 353 15 93 |
| Самарқанд | п. Чархин, Баххиен к-си | 8 590 704 23 70 | 8 371 107 22 39 |
| Қашқадарё | Қарши ш., Бешкент йўли | 8 375 227 65 30 | 8 375 227 70 69 |
| Сурхондарё | Термиз ш., Саида Зуннунова к-си, 19 | 8 376 222 43 42 | 8 376 222 33 33 |
| Бухоро | Бухоро ш., Халқлар дўстлиги к-си, 22 | 8 365 222 75 60 | 8 365 222 60 27 |
| Навоий | Ибн Сино ж.х. | 8 436 532 45 62 | 8 371 130 10 65 |
| Хоразм | п. Янгибозор, Фурқат к-си, 1 | 8 362 419 34 66 | 8 362 419 34 99 |
| Қорақалпоғистон | Нукус ш., Тўрткўл йўли | 8 361 223 48 32 | 8 361 223 48 32 |


• *Банк фаолияти*

# Қулайлик яратиш

## мижозлар сони ортишига замин ҳозирлайди

**ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "Асака" банкининг Сурхондарё вилояти филиали иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Бу борада аҳоли ва мижозларга тезкор, сифатли ва ишончли банк хизматлари кўрсатилмоқда.**




ХУСУСАН, АҲОЛИГА юқори даромад келтирувчи миллий валютада 11 турдаги омонатлар жорий этилган бўлиб, булар "Мадад-2007" омонати (йиллик 18 фоиз даромад тўланади, сақлаш муддати 1 йил), "Қалдирғоч" омонати (йиллик 18 фоиз), "Меҳнат" омонати (йиллик 17 фоиз), "Оқ олтин" омонати (17 фоиз даромад тўланиб, 4 ой муддатга қабул қилинади), "Пахта" омонати (муддати 1 ой, йиллик 17 фоиз), "Умид" болалар омонати (муддати 3 ой, йиллик даромади 18 фоиз).

Пластик карточка жамғарма омонати 1 ойдан ортиқ муддатга очилади ҳамда йиллик 14 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Сурхондарё вилоятида филиалнинг 8 та мини-банки ва 4 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг барчасида жисмоний шахслар омонатлари билан ишлаш йўлга қўйилганлиги ҳам банкка жалб қилинадиган аҳоли маблағлари миқдорининг кўпайиб боришига хизмат қилмоқда. Аҳолининг бўш турган маблағларини муомалага жалб қилиш орқали банкнинг омонатчилари, кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишда ижобий натижаларга эришилди.

Шунингдек, банк даромадини янада ошириш мақсадида янги хизматлар ҳам йўлга қўйилган бўлиб, аҳолига ва мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Филиалда ва филиал тасаруфидаги мини-банкларда ишга туширилган янги халқаро пул ўтказмалари тизимларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Айни вақтда мазкур банк билан ҳамкорлик қилаётган халқаро тизимлар "Вестерн юнион", "Быстрая почта", "Близко" "Юнистрим" арзон, тезкор ва ишончли пул жўнатмалари ишга туширилган бўлиб, ушбу халқаро тизимлар орқали 2008 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 28 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатилди.

Фуқаролар ўз номига юборилган пул маблағларини вақтида олишлари учун қулайлик яратиш, мижозлар сонини янада кўпайтириш мақсадида халқаро пул ўтказмалари шохобчалари аҳолига қулай жойларда очилиб, етарли миқдорда нақд хорижий валюталар билан таъминланиб, шохобчаларнинг шанба кунлари ҳам ишлаши жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "**Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги ҳамда "**Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги 2006 йил 17 апрелдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасидаги ишлар кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу орқали вилоят миқёсида нақд пул айланишини қисқартиришга эришилмоқда.

Жумладан, 2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига филиал томонидан 198 та давлат ташкилоти ҳамда хусусий фирма ва фермер хўжаликлари билан "маош-лойиҳа" шартномаси тузилиб, сўм пластик карточкалар расмийлаштириб тарқатилган, 15665 дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, шундан 14256 дона карточка "маош-лойиҳа" шартномаси орқали, 1409 дона карточка жисмоний шахсларга тарқатилган.

"Асака" банкининг Сурхондарё вилояти филиали томонидан қилинган ишлар ва мижозларнинг банкка бўлган ишончи натижасида 2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига мижозлар қўлидаги сўм пластик карточкасида турган маблағ қолдиғи 346,2 миллион сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2007 йилнинг 1 октябрь ҳолатига нисбатан 1,8 мартага ошди. Ўтган ҳисобот йилининг 1 октябрь ҳолатига нисбатан мижозларнинг пластик карточкасида қолган колдиқ суммаси 144,8 миллион сўмга кўпайган, бу эса банк пластик карточкалари қулайлиги, афзаллиги ва ишончлилигига, у орқали мамлакатнинг исталган жойида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкинлигига аҳоли ҳамда мижозларнинг ишончи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.



Филиал ва филиал тасаруфидаги мини-банклар томонидан жами 76 дона терминал ўрнатилган бўлиб, бундан 13 та терминал орқали коммунал тўловлар ва бошқа хизматларга, 63 та савдо терминали орқали эса савдо шохобчаларидан аҳолига нақд пулсиз хизмат кўрсатиб келинмоқда.




2008 йилнинг ўтган 9 ойи давомида кредитлаш соҳасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, кичик бизнес субъектларига 1368,2 миллион сўм кредит ажратилиб, шундан 1284,0 миллион сўм банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 9,2 миллион сўми бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан, 75,0 миллион сўми Осиё Тараққиёт Банки кредит маблағлари ҳисобидан ажратилди. Шунингдек, банкда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Класс-Даминатор" ғалла ўриш комбайни сотиб олиш учун 730,0 миллион сўм кредит ажратилди.

Бундан ташқари, аҳолининг парранда гўшти ва тухумга бўлган талабини қондириш мақсадида Сурхондарё вилоятида паррандачиликни ривожлантириш учун филиал томонидан 61,0 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "**Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**"ги Фармони ижросидан келиб чиққан ҳолда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, унинг қурилиши ва капитал реконструкцияси учун ипотека кредитлари ажратилмоқда. Жумладан, уй-жой сотиб олиш учун жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами 519,0 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, шундан 448,0 миллион сўми имтиёзли кредитлардир.

Бундан ташқари, "**Истеъмол кредити тўғрисида**"ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида жами 210,0 миллион сўм истеъмол кредити ажратилган, шундан 81,4 миллион сўми имтиёзлидир.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "**Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги Қарори асосида 2008 йилнинг 9 ойида 112 нафар кам таъминланган оилага 148,7 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги "**2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида**"-ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йилда амалга оширилиши режалаштирилган 43 та лойиҳада ДАТ "Асака" банк Сурхондарё вилояти филиалининг 3 та мижози иштирок этмоқда ва ушбу корхоналар томонидан инвестицион дастурни амалга ошириш бўйича банк билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. t

**(Ўз мухбиримиз)**

● *Ҳуқуқий маърифат*

# Адвокат ҳимояси

## малака ва юридик билимга эга бўлишни тақозо этади

**МАМЛАКАТИМИЗДА инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам тизими яратилган, бу борада миллий қонунчилигимизда зарур ҳуқуқий асослар мавжудлиги ушбу соҳада самарали фаолият юритилишини таъминламоқда.**



ПРЕЗИДЕНТИМИЗнинг жорий йилда қабул қилинган қатор Фармон ва қарорларида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳуқуқий ҳимоя тизимларини такомиллаштиришнинг галдаги чора-тадбирлари белгилаб берилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишга қаратилган муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Фуқароларнинг адвокатга бўлган эҳтиёжи бу фақат суд-прокуратура ишлари кўрилишидагина эмас, ҳуқуқий маслаҳат билан боғлиқ бошқа зарур ҳолларда ҳам кузатилиши табиий. Уларнинг ана шу эҳтиёжни ўз вақтида қанчалик англаб етишлари ҳам муҳим жиҳат, албатта. Бинобарин, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ривожланиб бориши, малакали, етук билимга эга бўлган адвокатлар сонининг ортишини ҳам тақозо этади. Инсон манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, бир-бирининг изчил давоми сифатида олиб борилаётганлиги бежиз эмас. Президентимизнинг мазкур Фармонида адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари тенглиги каби масалалар алоҳида қайд этилган. Ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмаслигига қаратилган чора-тадбирлар фуқароларнинг профессионал адвокатлар хизматидан фойдаланишини таъминлашга замин яратади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизида тузилган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари адвокатлик уюшмасининг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади ва у барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси адвокатлар томонидан қай даражада таъминланаётганини назорат қилиш имконини беради, демак, ҳеч бир фуқаронинг малакали адвокатлик ҳимоясига бўлган эҳтиёжи эътибордан четда қолмайди.

Адвокатлар палатаси юридик шахс мақомига эга бўлган нотижорат ташкилот саналиб, адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб боради. Олий Мажлис Сенати томонидан 2008 йил 28 августда кўриб чиқилган **"Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"**ги Қонунда жиноят ишида ҳимоячи сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати аниқ белгиланди. Айниқса, мазкур Қонунга мувофиқ гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари фақат адвокат билан бир қаторда ишда ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкинлиги фуқароларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам олишларидаги мавжуд етишмовчиликларга барҳам беришга йўл очади. Чунки айблов тарафнинг профессионал бўлгани ҳолда ҳимоячининг етарли ҳуқуқий билим ва малакага эга бўлмаслиги ҳимоя масаласида муаммо пайдо қилиши табиий эди ва бу бугунга келиб ўз қонуний ечимини топди. Зеро, малакали ҳуқуқий ҳимоя фуқароларнинг адвокатларга бўлган ишончини ҳам орттиради.

Барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилади. Мустақил юртимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини тўла таъминлаш борасида қилинаётган кенг кўламли ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

**Акрам ХАЛИЛОВ,**
**Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи**

● *Соҳа фидойилари*

# Адолат ва одиллик

## Устозлар ҳаёт фалсафаси шундай

**ФАРЗАНД СИФАТИДА ҳар бир киши ўзини дунёга келтирган инсонлар — ота-онаси олдида қандайин бурчли сезса, илм ўргатган устозларга нисбатан ҳам шундай туйғуни ҳис қилади. Бу бизнинг ўзбекона менталитетимизга хос бўлган фазилатдир. Зеро, ҳар бир кишининг у ким бўлиши, қайси касбда ишлашидан қатъи назар, биринчи ўқитувчиси, иш ўргатган устози бўлади. Устоз деганда менинг кўз ўнгимда суд-ҳуқуқ соҳасида иш бошлашимга сабабчи бўлган ва бу соҳанинг паст-баландини эринмай ўргатган инсон Шавкат Жумаев намоён бўлади.**

1979 ЙИЛНИНГ 9 феврали сира хотирамдан кўтарилмайди. Шу куни мен Музработ тумани халқ судига суд мажлиси котиби сифатида ишга қабул қилинганман. Атиги ўрта маълумотга эга бўлган ўспиринни сира иккиланмай, бундай масъулиятли ишга қабул қилиш учун раҳбарда катта жасорат ва ходимга нистабан ишонч бўлиши лозим. Бу ишончни оқлаш учун роса тер тўкишимга тўғри келган. Бугунги кунда мен бундан сира афсусланмайман. Чунки устозим бизга меҳнатсеварликни, тўғрисўзликни ўргатган.

Кейинчалик институтни сиртдан тугатдим.

Термиз шаҳар, Музработ ва Шеробод туманларида ҳамда вилоят судидаги, шунингдек, Олий суддаги фаолиятим давомида устоздан ўрганган сабоқларим, иш тажрибам менга жуда асқотади.

Устознинг мендан бошқа шогирдлари ҳам кўп. Шогирдларининг аксарияти бугунги кунда масъул вазифаларда фаолият юритиб, эл корига яраб келаётган инсонлардир. Хусусан, республика Олий суди судьяси Масариддин Ҳасанов, Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Лазиз Мусашайхов, фуқоролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси Холмўмин Явқочевлар Шавкат акадан иш ўрганган, бу самимий ва софдил инсоннинг маслаҳатларига амал қилиб, фаолият олиб бораётган ҳуқуқшунослар сирасига киради.

Устоз адолатпарвар инсон бўлганлари боис биз шогирдларидан ҳам шуни талаб қилганлар. "Сизлар эл назаридаги одамсизлар. Ҳар бир ишингиздан халқ воқиф бўлиб туради. Адолат ва одиллик билан иш тутинглар. Шунда эл назаридан қолмайсизлар". Бу устознинг ҳаёт фалсафаси эди. Бизнинг тизимда адолат мувозанатининг бузилиши нималарга олиб келишини "пахта иши" билан боғлиқ адолатсизликларни бартараф этиш юзасидан тузилган комиссия таркибида фаолият юритганимда тўла амин бўлганман.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан адолат қарор топиб, неча-неча мискин инсонларнинг қадри тикланган эди.

Шавкат Жумаев Сурхондарё вилояти судининг раиси, кейинчалик эса адлия вазирлигида ҳайъат аъзоси, суд фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси бошлиғи вазифаларида самарали фаолият юритди. Айни пайтда нафақада бўлсаларда, биз ҳуқуқшунослар билан ҳамнафас — Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъатининг халқаро ҳуқуқий ишлар бўйича ихтисослашган юридик маслаҳатхонаси раҳбари лавозимида ишлаяпти.

Бугунги кунда устознинг ўгитидан нафақат шогирдлари, балки барча ҳуқуқшунослар баҳраманд бўлмоқда. Бу эса устознинг обрўсига обрў қўшмоқда.

**Норқувват ЯНГИБОЕВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

# Никоҳ шартномаси

## оилавий муносабатларда муҳим мезондир

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясига биноан оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.**

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинишини назарда тутади. Болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тушунчалари мазкур муносабатнинг асосини ташкил қилади.

Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, оила, эр-хотиннинг никоҳи бекор қилингандан кейин улар ўртасидаги мулкий муносабатлари ва вояга етмаган фарзандлар таъминоти масаласи аксарият ҳолларда муаммо бўлиб қолмоқда.

Мулкий муаммоларни ҳал этишда, Оила кодексининг 27-моддасига биноан иш кўрилади. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини улардан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, умумий мол-мулк келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги бу келишув, яъни никоҳ шартномаси нотариал тартибда тасдиқланади.

Никоҳ шартномасида эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига зид келувчи бошқа шартлар назарда тутилмайди.

**Сайёра ОТАЖОНОВА,**
**Урганч шаҳар хусусий нотариуси**

● *Адлия изоҳи*



# Мулк ҳуқуқи

## уй-жойга нисбатан қандай татбиқ этилади?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясига биноан ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.**

**Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг Уй-жой кодексига асосан уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин.

Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек, мулкдор билан доимий яшаётган фарзандлари, агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзоси деб тан олиниши мумкин.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки ижарага бериш учун квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва квартира ёки уйнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг розилиги олиниши керак. Хусусийлаштирилган уй-жой мулкдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, улар бўлмаган тадқирда эса васийлик ва ҳомийлик органлари ҳимоя қилади.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

**Шаҳло ИСМОИЛОВА,**
**Самарқанд шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси**

# Оталикни белгилаш

## ёки қонуний никоҳнинг афзал жиҳатлари

**КУНДАЛИК ТУРМУШДА турфа ҳодисаларга дуч келамиз. Жумладан, эр-хотин бир уйда яшаб, умумий рўзғор юритса-да, қонуний никоҳдан ўтмаслик ҳолати ҳам учраб туради. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бироқ унутмаслик жоизки, шаръий никоҳга нисбатан қонуний никоҳнинг афзал жиҳатлари кўп. Зотан, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирса, қонуний никоҳ асосида оила қурган эр ёки хотиннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бир мунча енгилроқ кечади. Аксинча, эр-хотиннинг никоҳи расмийлаштирилмаган бўлса, бу айрим мушкулликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.**

ШУ БОИСДАН ҳам турмуш қураётган ҳар бир шахс қонуний никоҳдан ўтишга алоҳида эътибор қаратиши жоиз. Ўз навбатида шаръий никоҳ асосида қурилган оилаларда дунёга келган фарзанднинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам қонун асосида ҳимоя қилинади. Аниқроқ айтганда, қонуний никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш эр-хотиннинг ФҲДЁ идорасига берган аризаси асосида амалга оширилади.

Оталикни белгилаш эр-хотин биргаликда ариза берган куни ота-она иштирокида амалга оширилади. Оталикни ишончнома бўйича белгилашга йўл қўйилмайди. Агар оталик боланинг туғилганлиги қайд этилгандан сўнг белгиланса, эр-хотиннинг оталикни белгилаш ҳақидаги аризаси ёки суднинг ушбу масала юзасидан қарорига боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси илова қилинади.

Оталикни белгилашда ота-оналардан бири иштирок этмаган тақдирда унинг аризадаги имзоси қонун билан белгиланган тартибда (тиббиёт муассасасида, ФҲДЁ органи, нотариус, ҳарбий қисм, жазони ўташ муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан) тасдиқланади.

**Зулфия ЗАЛИЛОВА,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

# Фаолият самараси учун

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва фаолият самарадорлигини кучайтириш соҳасидаги долзарб вазифалар вилоят ҳудудий комиссиясининг Урганчда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида батафсил кўриб чиқилди.**

Маълумки, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари кенг йўлга қўйилган. Лекин булар етарли эмас. Аниқланаётган қонунбузарлик ҳолатларини ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш, жиноят ишларини тергов қилиш тадбирлари такомиллаштирилмоғи ва малакали тарзда амалга оширилмоғи, инсоннинг бу борадаги устувор ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига алоҳида диққат-эътибор ва албатта, катта ғамхўрлик туйғуси билан ёндошилмоғи даркор.

Йиғилишда келгуси вазифалар белгилаб олинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

● *Қилмиш — қидирмиш*

# Оғуфурушлар

**ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИ истеъмол қилиш кишилар саломатлиги ва маънавияти, ахлоқий қарашларига ҳам салбий таъсир этадиган, ўта нохуш оқибатларни келтириб чиқаради.**

**Афсуски, бундай моддалар савдоси билан шуғулланувчи айрим кимсалар мўмай даромад илинжида кимларнингдир заҳри қотилга гирифтор бўлиб қолишларига сабабчи бўладилар.**

... Тўй оқшоми ўйин-кулги авжида эди. Дастурхон атрофида ҳаммани оғзига қаратиб ўтирган Кўчқор негадир Мардоннинг диққатини ўзига тортди. Меҳмонлар ўйин-кулгига чалғиган пайтда Мардон уни секин гапга тутиб муддаога ўтди:

— ..Ўзимизга ўхшаган одам кўринасиз. Мабодо, анави "дори"дан топилмайдими, жуда зарур эдида.

— Пул бўлса иложсиз ишнинг ўзи бор эканми, оғайни. Фақат гап-сўз чиқмаслиги керак-да.

Мардон унинг қинғирликдан қайтмайдиган одам эканига ишонч ҳосил қилгач, бундай қабиҳ ишга чек қўйиш лозимлигини ўйлади. У ўз ихтиёри билан Элликқалъа тумани ИИБ ходимларига бу ҳақда батафсил маълумот берди. Хуллас, ички ишлар ходимлари Мардонга рақамланган пулларни бериб, ишга киришдилар.

Аммо Кўчқор Аширов ҳам нималарнидир чамалар, эҳтиётсизлик қилиб қўймасликни ўйлар эди. Ҳар ҳолда у Мардонни икки-уч бор қатнатди. Ахийри Қ.Аширов ҳар эҳтимолга қарши тўрткўллик "ҳамтовоқ"ларидан бири Боймуроднинг уйига борди-ю, лекин уни тополмай изига қайтди. Аслида бу бир найранг эди. У ҳийласи ишонарли чиқишига ишониб, уйида ўзи сақлаб қўйган 12 грамм героин моддасидан бир бўлагини олганча, Мардон билан келишилган уй олдида ҳозир бўлди. Мардонни ташқарига чақирди ва "иши" битгач, яна уйига жўнаб кетди.



Мардон эса ички ишлар бўлимига йўл олди. Шу куни Тўрткўл — Нукус йўлида Қ.Аширровнинг машинаси ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилди ва унинг жиноий қилмиши фош этилди. У ёнида қоғозга ўралган героин моддасини ўз ихтиёри билан топшириб, уйида бу "оғу"дан яна борлигини айтди.

Кейинчалик тинтув жараёнида унинг умр йўлдоши ўз хоҳиши билан гиёҳванд модда солинган иккита идиш чиқариб берди. Қ.Аширов бу "моллар"ни тўрткўллик таниши Боймуроддан сотиб олганлигини яшириб ўтирмади. Боймуроднинг уйида тинтув ўтказилганда жами 4,5 грамм гиёҳвандлик моддаси ва турли хилдаги далилий ашёлар топилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли яна қанча кишилар "оқ ажал" гирдобига тушиб қолишининг олди олинди.

Судланувчи Қ. Аширов 23,71 грамм, Б.Тўраев эса 37,87 грамм гиёҳвандлик моддасини сотиш ва истеъмол қилиш учун олиб қўйганликлари аниқланди. Кимларнингдир соғлиғига завол бўладиган "оғу"ни сотиш орқали даромад топишдан тоймайдиган бундай кимсалар қонун олдида жавоб бериши муқаррар, албатта. Бири эллик, яна бири олтмиш ёшга етиб қолган бу жиноятчилар фарзандлари, неваралари ардоғида роҳатда яшаш ўрнига энди ўз қилмишлари жазосини ўтайдиган бўлишди.

**Анажон РАЗЗАҚОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари,**
**Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,**
**журналист**

# Ер участкаларидан фойдаланиш

**РОМИТАН ТУМАНИ қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида вилоят адлия бошқармаси томонидан "Узоқ муддатли ижарага олинган ер участкаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, тадбиркорлик муҳитини мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва янги ташкил топган фермер хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий кафолатлаш, ер участкаларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, фермер хўжаликларининг уларга ажратилган ер участкаларидан фойдаланиш жараёнида ер унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ер участкаларида лойиҳа қидирув ва илмий тадқиқот ишлари амалга оширилганда вужудга келадиган зарарларни қоплашнинг ҳуқуқий асослари ва воситаларига алоҳида эътибор қаратиб, йиғилганларга кенг тушунча бердилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

● *Бугун — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун*

# Маънавият калити



**(Давоми.
Боши биринчи бетда)**

Айниқса, она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, мамлакатимизнинг жаҳон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллаш борасида қулай имкониятлар яратиш каби бирбиридан муҳим вазифалар бу масалани кечиктирмасдан ҳал қилишни талаб этгани, лотин алифбосига асосланган она тилимизнинг истиқболларини ҳам чизиб беради.

Лотин алифбосига асосланган она тилимизда ёзилган ахборот ва маълумотларни дунёнинг барча қитъаларига узатиш ва қабул қилиб олиш мумкин.

Лотин алифбоси чет тиллар, айниқса, ёзуви лотин алифбосида ифода этиладиган хорижий тилларни ўрганишни маълум даражада осонлаштирмоқда. Шу билан бирга лотин алифбоси она тилимизни чет элликлар томонидан ҳам ўрганилишини осонлаштирди, чунки лотин алифбосидаги ҳарфларни талаффуз қилиш ва матнни ўқиш учун халқаро стандартлашган транскрипция тизими ишлаб чиқилган ва у лотин алифбосидан фойдаланадиган барча тилларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Шу боис элчихона ва халқаро ташкилотларда фаолият кўрсатаётган чет эллик ходимлар, умуман, тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимиз ва санъатимизга қизиққан хорижликлар уларни ўз тилимизда бемалол ўрганишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасида тил муаммолари бўйича тадқиқот олиб борган америкалик юрист Виктор Аронов АҚШда тил муаммоларини ҳал қилишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва улардан ўрнак олиш лозим, деган хулосага келади.

Айни пайтда, ҳар бир халқнинг тили ўз миллий қадрияти, маънавияти ва маданиятини ифодалаб, сайқаллаб, ривожлантириб ва шакллантириб, шу халқнинг табиатига хос бўлган хусусиятларни мужассамлаб, аждодлардан авлодларга ўтказиб бериш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши баробарида миллат маънавиятига ёт иллатларни улар ҳаётига кириб келиб, онгу шууридан жой олишига йўл қўймайди.

Ҳар хил хуруж ва таҳдидларга нисбатан минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган "шарқона ахлоқ кодекси"даги ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби элимизга мансуб эзгу, гўзал ахлоқий қадриятлар ва юксак туйғулар айнан халқимиз тилида ўз-ўзидан бежиз пайдо бўлмаган. Бундай гўзал туйғу ва тушунчаларни ғарб тилларига таржима қилиш қанчалик қийин бўлса, уларнинг тилидаги ахлоқсизликни тарғиб қилувчи шарму ҳаёсиз тушунча ва ибораларни она тилимизга таржима қилиш ҳам шунчалик қийин ёки умуман мумкин эмас. Демак, бундай ғайришарқона маънавиятни бизнинг ҳаётимизга эркин кириб келиб, онг-шууримиздан жой олишига она тилимиз – Давлат тили йўл қўймайди.

Шундай экан, Давлат тили, нафақат, маънавий хазинамизнинг калити, айни пайтда, маънавий ҳаётимизнинг ҳам қалқони, ҳам посбонидир.

**Қосимбой МАЪМУРОВ,
Адлия вазирлиги қошидаги Республика Юристлар малакасини ошириш маркази Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари фанлари кафедраси доценти**

## ТИЛ — ЎЗЛИКДИР

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан Бухоро вилояти адлия бошқармасида вилоятдаги барча ФҲДЁ органлари ходимлари иштирокида Қонун моҳияти ва унинг амалиётда қўлланилиши мавзуида семинар ўтказилди.**

Унда ўзбек тилининг шаклланиш тарихи ва ўзига хос хусусиятлари, ФҲДЁ органларида иш юритишда ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда Қонун нормаларининг қўлланилиши, Қонуннинг 15-моддасига асосан фуқароларнинг фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш ҳамда далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ҳамда қўшимчалар киритиш тартиби ва асослари ҳақида маърузалар тингланиб, амалиётдаги айрим муаммолар муҳокама қилинди.

**Феруза БОЗОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**



## "Ишонч телефонлари"

### Ҳурматли юртдошлар!

СИЗ СУД ИЖРОЧИЛАРИ томонидан қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекциясига қуйидаги **"Ишонч телефонлари"** орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат этган шахс исм-шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

**"Ишонч телефонлари" рақамлари:**

Суд департаментининг марказий аппарати Ички хавфсизлик инспекцияси
**(8-371) 237-61-86, 237-61-87;**

Суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси
**(8-361) 229-17-09;**

Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-374) 224-58-70;**

Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-365) 225-75-34;**

Суд департаментининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-372) 226-34-89;**

Суд департаментининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-367) 225-42-24;**

Суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-376) 223-05-16;**

Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-366) 233-46-99;**

Суд департаментининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-369) 233-46-09;**

Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-436) 224-85-18;**

Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-370) 280-53-87;**

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси
**(8-371) 241-16-37, 241-80-12;**

Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-375) 223-16-83;**

Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-373) 222-69-27;**

Суд департаментининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси **(8-362) 227-35-30.**

## ЭЪЛОН!

**Андижон вилояти адлия бошқармаси Шаҳрихон тумани 1-сон давлат нотариал идораси, Балиқчи тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси ва Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига;**

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Самарқанд шаҳар 11-сон давлат нотариал идораси нотариус лавозими учун қайта**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилояти адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.**

**Андижон вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8374) 222-30-89, 224-24-92;
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8366) 233-13-59, 233-71-57.**

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 23 сентябрдаги қарори билан Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Чироқчи тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси Туропов Раҳмат номига 1997 йил 24 июнда берилган KS 000018 рақамли, Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Чироқчи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Суяров Найман номига 1997 йил 15 июлда берилган KS 000039 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши 4 (тўрт) ой муддатга тўхтатилди.

**ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ жиноят ишлари бўйича Пскент туман суди бир жиноий ишни кўриб чиқиб, унга қонуний хотима ясади. Мазкур ишда ўн икки нафар мансабдор шахснинг жавобгарликка тортилганлигининг ўзи ҳам масаланинг анча жиддийлигидан далолат беради.**




**ёхуд давлатнинг 412.292.937,62 сўмини ўмарган уюшган жиноий тўданинг "антиқа" операциялари**

ХАЛҚИМИЗДА кўза кунда эмас, кунида синади, деган нақл бор. Лекин минг афсуски, ўша куни суднинг қора курсисидан жой олган фуқаролар азалий ҳикмат замиридаги ҳақиқатни назар-писанд қилмай нафсларига қул бўлиб, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказишдан ор қилмаганлар.

Судда мазкур ишга асосий жавобгарлардан бири деб талқин этилган Дониёр Зайниддинов Олмаликдаги "Аммофос" ОАЖ бош директорининг тижорат масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган.

Кўпчиликка маълумки, мазкур корхона нафақат мамлакатимиз, балки МДҲ мамлакатларидаги турдош корхоналар орасида ҳам етарлича нуфузга эга. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида анча харидоргир.

Корхонанинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши ҳисобга олиниб, кейинги йилларда унга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Завод босқичма-босқич реконструкция қилинди, маҳсулот ишлаб чиқариш цехларига замонавий асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Бундан кўзланган мақсад, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини зарур минерал ўғитлар билан таъминлаш, қолаверса, корхона маҳсулотларини четга экспорт қилиб, мамлакат валюта захирасини бойитиш эди. Бироқ "Мен не дейман, қўбизим не дейди" деганларидек ҳукуматимиз кўзлаган олий мақсадни корхона раҳбарлари негадир ўзгача тушунишди. Нафси ҳакалак отиб кетган жамият раҳбарлари кези келганда на давлат манфаатини ва на қонунни ўйлашди. Давлатнинг бутун бир заводи худди ўзларининг оддий томорқасига айланиб қолгандек иш тутишди.

СУД ҲУКМИ билан танишиб, у ерда йўл қўйилган ноқонуний ишлар ва бунинг оқибатида давлат хазинасига келтирилган зарар суммаларини кўриб, очиғи, бу одамларда заррача инсоф борлигига ҳам шубҳа қиласан киши.

Мана қаранг: корхона ўтган йили бешта, яъни 2007 йил 1 майда Қозоғистон Республикасининг ТОО "Косагросервис" корхонаси билан 634-юр сонли, шу йилнинг 2 май куни АҚШнинг "STARLINE INVESTMENS CORPORATION" компанияси билан 640-юр сонли, яна Қозоғистон Республикасининг ТОО "Косагросервис" корхонаси билан 2007 йил 3 август куни 1030-юр сонли, Афғонистон Ислом Республикасининг "Arsalan Co ltd" корхонаси билан 2007 йил 19 октябрь куни 1313-юр сонли ва Виргиния ороллари давлатининг "Melars Group Lta" компанияси билан 2007 йил 30 ноябрда 1478-юр сонли экспорт шартномаларини имзолаш орқали жами 12.146,05 тонна маҳсулот сотилиб, умумий қиймати 1.763.998,4 АҚШ доллари ёки 2.257.746,58 минг сўмлик операция амалга оширилади. Албатта, қалпоқни тагини кўрмаган одам директор ўринбосари Дониёр Зайниддинов ва жамият ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи Ғолибжон Соҳибовга мамлакат валюта захирасига шунча валюта келиб тушишига бош-қош бўлганликлари учун тасаннолар айтиши мумкин.

Бироқ текширишлар жараёнида фавқулодда шундай ҳақиқатлар бўртиб чиқдики, бу ҳолат иккала раҳбар ҳаракатидаги самимиятни шубҳа остига олади. Яъни ҳисоб-китоблар экспорт операциялари орқали давлат 363.665,46 минг сўм зарар кўрганини тасдиқлайди. Содда қилиб тушунтирганда, жамият юқорида келтирилган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни 2.621.412,05 минг сўм сарфлаб, 2.257.746,58 минг сўмга сотади. Ўртадагаи фарқ эса, табиийки, нафақат мутахассисларни, балки сизу бизга ўхшаган оддий одамларнинг ҳам шубҳаланишимизга асос бўла олади.

"АММОФОС" ОАЖ раҳбарларининг нафси афсуски шу билан қониб қолмайди. Корхона директорининг ўринбосари Дониёр Зайниддинов ва Ғолибжон Соҳибовлар жиноий тил бириктиришиб яна шундай "ажойиб" операциялар қилишадики, эшитиб ёқангни ушлайсан киши. Икки раҳбар ўша йили экспорт шартномаларидан ташқари яна учта импорт шартномаси ҳам имзолашди. Ҳозир биз келтирадиган тафсилотларга жиддийроқ ёндашсангиз, юқорида ажойиб сўзини нега қўштирноққа олганимизни, янаям тўғрироғи, муддаомизни англаб оласиз. Хуллас, ушбу операциялар қуйидагича амалга оширилади:

Жамият Беларусь Республикасининг РУПП "БелАЗ" корхонасида ишлаб чиқарилган автосамосвалларни харид қилиш учун мазкур корхона билан тўғридан-тўғри шартнома тузмасдан, балки Россиянинг "Интеграл" МЧЖ билан 2007 йил 28 февраль куни №350-юр сонли шартнома тузади. Мазкур шартнома асосида импорт товарининг Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 26 августда қабул қилинган "Экспорт-импорт товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида"ги 428-сонли йўриқноманинг 2-боб, 8-банди талабларини бузиб, "RVLE ASIAN MARKETING" Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонаси номига импорт товарининг товар кузатув ҳужжатлари билан бирга келган 1/3 сонли ҳисоб варақасида 2 дона "БелАЗ" корхонасида ишлаб чиқарилган автосамосвалларнинг нархи 190.600 АҚШ доллари миқдорида, белгиланганлигига қарамасдан 230.854 АҚШ доллари миқдорида яъни 40.254 АҚШ доллари қиммат миқдорида импорт шартномаси бажарилишини таъминлаган.

Дониёр Зайниддинов ва Ғолибжон Соҳибовлар имзолашга эришган иккинчи шартнома ҳам россиялик шериклар зиммасига тўғри келади. "Аммофос" раҳбарлари Қозоғистоннинг ТОО "Тенгизшевойл" корхонасида ишлаб чиқариладиган техникавий олтингугурт хомашёсини харид қилиш учун яна асосий ишлаб чиқарувчига эмас, воситачига юзланишади. Россиянинг "Ост ХИМ" МЧЖ билан тузилган шартнома натижасига кўра эса жамият мазкур маҳсулот фактура қийматидан 6704,49 АҚШ доллари миқдорида қиммат маҳсулот харид қилиб, шунча миқдорда зарар кўради.

Учинчи импорт шартномаси ҳам худди юқоридагилари каби раҳбарларнинг шахсий манфаатини кўзлаб амалга оширилади. Унга кўра, "Аммофос" ОАЖ Россиянинг "Курскрезинотехника" корхонасида ишлаб чиқарилган металл спиралли резина қувурларини харид қилиш учун Буюк Британиянинг "Veyron Enterprises LLP" компанияси билан 2007 йил 14 март куни № 417-юр сонли импорт шартномаси имзолашади ва мазкур маҳсулот фактура қийматидан 1771,2 АҚШ доллари миқдорида юқори нархларда маҳсулот харид қилинади...

ШУ ЕРДА ОДАМНИ бир нарса ўйга толдиради. Нега "Аммофос" ОАЖ раҳбарлари давлатга 363.655,46 минг сўм зарар келтирган шартномани амалга оширишади? Ёхуд нима учун харид қилинаётган импорт маҳсулотни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан эмас, воситачи орқали олишади? Бунга уларнинг имкониятлари етишмайдими?! Асло ундай эмас. Суд мажлисида Дониёр Зайниддинов ва Ғолибжон Соҳибовлар ҳар қанча важ-карсон кўрсатмасинлар, уларнинг ҳеч бири айбларини ювишга асос бўлолмади.

БУЛАРДАН ТАШҚАРИ, Дониёр Зайниддинов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хизмат вазифасини бажараётган бир пайтда товламачилик, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш каби жиноятларни ҳам содир этади. Жумладан, Хоразм вилояти ҳудудий "Қишлоқхўжаликкимё" АК бош ҳисобчиси Холмурод Султонов, Фарғона вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" АК раиси вазифасини бажарувчи Одилжон Абдураҳимов, бош ҳисобчи Исроил Исмоилов, жамият бўлим бошлиғи Мусинжон Камолов, Сурхондарё вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" АК раиси Аъзамжон Сатторов, ҳисобчи Зулфиқор Ишқараев, бош мутахассис Азамат Собиров, Тошкент вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" АК бош мутахассиси Ҳамро Отажоновлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, қасддан жуда кўп миқдордаги солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида 2007 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, юқорида номлари саналган "Қишлоқхўжаликкимё" корхоналари учинчи шахсларга сотиб юборган жами миқдори 1.311.908,3 минг сўмлик минерал ўғитларни омборхонада турибди, яъни сотилмаган дея сохта ҳужжатлар тайёрлашади. Бу ҳужжатларни "Аммофос" ОАЖ 2007 йил якуни бўйича Олмалиқ шаҳар ДСИга ҳужжатлар топширади. Оқибатда, яъни минерал ўғитларни сотишдан тушган тушумни қасддан камайтириб кўрсатиш натижасида жами 324.756,3 минг сўм миқдорида давлат томонидан белгиланган солиқ ва мажбурий тўловлар яшириб қолинади...

Судда эътироф этилишича, "Аммофос" ОАЖ директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Дониёр Зайниддинов ва жамиятнинг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи Ғолибжон Соҳибовлар юқоридаги ноқонуний ҳаракатлари билан 412.292.937,62 сўм, жамият бош бухгалтери Нурзиля Мирсаитова 324.756,3 сўм миқдорида давлат манфаатларига зарар етказишган.

ШУ ЎРИНДА ОДАМНИ бир нарса ўйлантиради. "Аммофос" ОАЖга бевосита раҳбар ташкилот ҳисобланувчи "Ўзкимёсаноат" ДАК раҳбариятининг бу ишлардан хабари бормиди? Ёки жамият томонидан тузилган экспорт ва импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиб, ижобий хулоса берган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ходимларининг-чи? Буни бепарволик деб тушуниш керакми ёхуд... Бинобарин, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўрин тутишини масъул раҳбарлар унутмаслиги лозим эди.

Мазкур соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи саноат корхоналари фаолиятида масъулиятсизликка ва бундай нохуш ишларга йўл қўйилиши эл мулкига хиёнат қилиш, таъбир жоиз бўлса, виждонсизликдир.

Нима бўлганда ҳам ҳақ қарор топди. Уюшган жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Ўмарилган миллионлаб маблағлар жойига қайтарилди. Жиноятчилар қилмишига яраша жазосини олишди.

**Ў.ҒОЙИМОВ**

Манба «Region.uz»

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Ҳамза туман ФҲДЁ бўлимининг 2-тоифали инспектори **Умида Саидвалиевна Саидкаримова**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Газетанинг навбатдаги сони 4 ноябрь, сешанба куни чиқади*

**ИНСОН ва ҚОНУН**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-915. Тиражи — 11153. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50.
2 3 4 5 6 7 8